

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти

Қ.Назаров, Ҳ.Ҳамидов, А. Рустамов

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ  
ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Тошкент - 2019

**УДК: 324(246.2)(073)**

**КВК 65.17(60)**

**М 67**

**Қ.Назаров, Ҳ.Ҳамидов, А. Рустамов.**

**Тараққиёт стратегияси ва баркамол авлод тарбияси.** –Т.:  
Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2019. – 48  
бет

Ушбу рисолада бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, унинг баркамол авлод тарбиясига таъсири, давлатимизнинг ёшларга доир сиёсати ва таълим стратегиясининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари муҳтасар тарзда ёритилган.

Рисолада мамлакатимизда бу борада ҳозирги даврда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари юртимиздаги энг нуфузли олий таълим даргоҳларидан бири - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мисолида кўрсатиб берилган.

Ушбу мавзу билан қизиқувчи китобхонлар, профессор-үқитувчилар ва талабаларга мўлжалланган мазкур рисолада муаллифлар мазкур соҳада мустақиллик йилларида қўлга киритилган натижалар, айни пайтдаги муҳим аҳамиятга молик вазифалар ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ серқирра фаолиятга алоҳида эътибор қаратганлар.

**Тақризчилар**

ф.ф.д., профессор Ж.Раматов

ф.ф.н., доцент Э.Қалқонов

ISBN 997-8953-8752-8-2

## КИРИШ

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, муайян жамият тараққиёт жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан иқтисодиёт, ижтимоиёт ва сиёсатида бўлгани каби, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати пайдо бўлади. Чунки ўзига хос янги давр, шароит, вазият анъанага айланиб қолган ғоялар, қарашлар, муносабатларни ўзгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса янги ғоя, янгича қараш, муносабат, мафкурани ишлаб чиқишни талаб этади.

Шу билан бирга, ҳар бир жамият тарихида шундай бурилиш даврлари бўладики, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун ниҳоятда муҳим стратегик мақсадлар ва муайян ривожланиш босқичига хос устивор тамойилларни аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланади.

Тажриба айнан ана шундай даврларда ушбу эҳтиёжни зукколик билан англайдиган, воқеалар ривожини олдиндан кўриб, замон талабларига муносиб жавоб бера оладиган ва ўз тараққиёт стратегиясини амалга ошириш йўлидан событқадамлик бораоладиган халқларгина кўзлаган мақсадларига етиши мумкинлигидан далолат беради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>1</sup>ги Фармони<sup>1</sup> ушбу ҳаёт ҳақиқатини ва ҳозирги давр талабарини яққол ифодалайди.

Бугунги кунда ушбу Фармон ва у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини ёшларимиз қалби ва онига сингдириш, бу борадаги тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 65 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда Республикаизда 1миллиондан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оиласаларнинг 20 фоизини ташкил қиласди. Энг замонавий билимлар билан қуролланган, тафаккур дунёси кенг ана шу ёшларсиз Ўзбекистоннинг келажагини, жаҳон ҳамжамиятидаги мустаҳкам ўрнини тасаввур этиб бўлмайди.

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

Шу сабабдан ҳам, бунгига келиб бу соҳадаги давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида туб бурилиш юз берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”, деган фикри ана шу жараённинг мазмун-моҳиятини яққол ифодалайди, албатта.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги йилларда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари бу соҳадаги таянч ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация ва ислоҳ қилиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ёшларга оид сиёсатни изчил амалга ошириш йўллари ва имкониятларини излаб топиш, уларни ҳаётга татбиқ этишининг самарали усуслари ва воситаларини ишга солишга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бу жиҳатдан, юртимиздаги энг нуфузли олий ўқув муассасаларидан бири бўлган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муқандислари институтининг бугунги кундаги фаолияти ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг яққол мисоли бўла олади. Аввало таъкидлаш жоизки, XX асрнинг бошларида ирригация ва мелиорация бўйича етук мутахассисларни тайёрлайдиган илк олий таълим даргоҳининг Марказий Осиё мамлакатларида биринчи бўлиб, айнан Ўзбекистонда, Тошкентда ташкил этилиши асло тасодифий эмас. Балки бу, ушбу соҳада Ватанимиз ҳудудида қўшни юртлар учун ҳам намуна бўладиган мустаҳкам тарихий асос ва асрий тажрибалар шаклланганliginинг ёрқин ифодаси, нуктадон боболаримизнинг шу соҳрадаги бунёдкорлик ишларининг ўзига хос мантиқий давомидир.

Айни пайтда, мазкур институт мамлакатимиз ёшлар сиёсатида уларнинг маънавий камолотини рағбатлантирувчи ислоҳотлар ва бу борадаги таълим стратегиясини амалга ошириш жараёнида ниҳоятда

муҳим аҳамият асб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, мазкур жараённи ўрганиш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришни тақазо этади.<sup>2</sup>

## Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – фаолиятимиз дастурламали

Мамлакатимизнинг XX аср сўнггида истиқлолга эришиши ва мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши халқимизнинг тарихий ғалабасидир. Ўтган йиллар мобайнида юртимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида улкан ишлар амалга оширилди. Тарихан қисқа даврда миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш ўз-ўзидан осон кечмади, албатта.

Мустақиллик – халқимизнинг улкан ютуғидир. Зеро, мамлакатимизда иқтисодий барқарорликка эришиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, туб сиёсий ислоҳотлар ўтказиш, миллатлараро ва динлараро зиддиятларнинг олдини олиш, ички ва ташқи бузғунчи кучларни бартараф этиш бщйича амалга оширилган кескин чоралар ва уларнинг аҳамияти вақт ўтибина янада қадрли бўлмоқда. Мамлакатни ислоҳ этиш стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши барқарор тараққиётимизни узоқ йилларга таъминлади. Бунда мустақил ривожланишнинг дастлабки даврида миллий давлатчилик ва барқарор тараққиёт пойdevорининг барпо этилиши асос бўлиб хизмат қилди.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида амалга оширган барча ишлар узоқ муддатли юксак мақсадга – ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган олис ва мураккаб йўл нинг фақат бир қисми, шу борадаги дастлабки қадамлар, холос.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги

<sup>2</sup> Изоҳ: Мазкур рисолани тайёрлашда мамлакатимиз ва хориж олимлари асарлари, айниқса Қ.Назаров раҳбарлигига чоп этилган “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” (Т., 2019) ўқув қўлланмасидан ижодий фойдаланилди.

Фармонаидат таъкидланганидек, бугунги глобаллашув асрида, биринчи навбатда эришган натижалари билан кифояланмасдан, дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Мантиқнинг ўзи, тараққиётимиз қонуниятлари, эришилган мэрралар, ўз олдимиизга қояётган мақсад жамиятимизнинг изчил ривожланишига, мамлакатимизнинг нуфузига тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши мумкин бўлган ҳаволанишга, қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмасдан, демократик ислоҳотларни давом эттиришни талаб қилмоқда.

Тарих сабоқларига кўра ҳар бир жамият тарихида шундай бурилиш даврлар бўладики, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун дориломон ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор тамойиллар ҳамда долзарб вазифаларни аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланади.

Бугунги давр худди ана шундай миллий давлатчилигини тиклаб, мустақил ривожланиш йўл идан бораётган халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи учун устувор йўналишлар ва долзарб вазифалар белгилаб олинаётган, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатимизни энг илғор давлатлар қаторига олиб чиқиш учун кенг имкониятлар очилган даврdir.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш учун зарур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослар шаклланди.

**Иқтисодий асослар.** Бу борада, таъкидлаш жоизки, эски собиқ иттифоқ давридаги иқтисодиёт янги жамиятни шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгаришлар рой берди. Янги иқтисодий тизим ва мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Бозор муносабатлари ва иқтисодий плюрализм бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда бу соҳадаги янгиланиш ва замонавий тамойилларни шакллантириш борасидаги туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди.

**Ижтимоий-сиёсий асослар.** Янги жамиятни барпо этишининг сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ҳақиқатдир. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Халқаро андозаларга тўла мос келадиган сайлов тизими шаклланди,

қонун устувор бўлган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг асослари мустаҳкамланди, инсон ҳуқуqlари ва эркинликларини таъминлаш тизими янада такомиллашди. Ана шуларнинг барчаси юртимизда ислоҳотларнинг ижобий натижаларини таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий асосларни яратиш имкониятини очди. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда ҳалқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онги ўзгармаса, шу жойда яшайдиган ҳалқ ва миллат ўзининг пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш бу борадаги устувор вазифаларни амалга оширишга имкон берадиган ижтимоий-сиёсий асосларни шакллантиришга ёрдам берди.

**Маънавий асослар** қонун устуворлиги таъминланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришлар бу йўналишдаги ислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Ҳалқ маънавиятининг юксалиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар бу борада катта аҳамиятга эга. Айниқса, миллий қадриятлар, ҳалқимизнинг тарихий хотираси, ўтмиш аждодларимиз яратган бой маданий меросдан тўла-тўкис фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва әлат, ҳар бир шахс, турли қатлам вакилларининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди. Бу эса давлатимиз сиёсатининг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуqlари ва виждан эркинлиги каби умумбашарий қадриятлар мазмуниги мослигини кўрсатади.

Аммо ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, аввало рой бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ойланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва ҳалқ пировард натижада муваффақиятга эришади. Мустақил тараққиётнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиласиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўл идаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш зарурлиги давр талаби эканлиги шубҳасиз.

Ушбу масалалар ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги Фармони у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти билан боғлиқ стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаб, ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб бергани билан ниҳоятда муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ана шундан далолат беради. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илфор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қуидагиларни назарда тутади:

- давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизасия қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизmlарини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;
- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизасия қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институсионал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар,

туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестисиявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

- ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникасия ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизасия қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

- ижтимоий соҳани ривожлантириш хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

Агар халқимизнинг миллий давлатчиликни тиклаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ва малакатимиз танлаб олган тараққиёт моделини амалга ошириш жараёни қандай шароитда кечгани ҳақидаги яхлит ва жиддий таҳлилий тадқиқотлар камлигини инобатга оладиган бўлсак, бу Ҳаракат стратегиясининг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан қанчалик катта аҳамиятга эга экани янада яққол аён бўлади. Ушбу маъруза истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда янги давлат ва жамият барпо этиш йўл ида қандай амалий чора-тадбирлар амалга оширилгани, бу серқирра жараённинг илмий-тариҳий, мантиқий ва қонуний замини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омиллари, ҳар бир тараққиёт босқичининг ўзига хос хусусиятлари – буларнинг барчасини ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб беришга қаратилган илмий хulosा ва таҳлиллар бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини яна бир бор тасдиқлади.

Шу маънода, мазкур тарихий ҳужжатни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда акс этган ғоя ва тушунчаларни аҳолининг барча қатламлари қалби ва онгига сингдириш муҳим вазифага айланди. Бунда аввало, бутун мамлакат миқёсида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни пайтда давлат ва жамият бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг

ташкилий-хуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш ҳам ана шу соҳадаги устивор вазифалардан бирига айланди.

Ўз навбатида, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар ушбу ислоҳотлар жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги тарихий нутқида алоҳида таъкидланган “Бизнинг мақсадимиз – юртимизда ҳалқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат” – деган фикри айни ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди ва Ҳаракатлар стратегиясининг мазкур соҳадаги амалиётининг моҳиятини яққол кўрсатади.

Ушбу йўналишдаги янгиланишлар маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқи ва нуфузини оширишни кўзда тутадиган “Ҳалқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари ҳалқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини самарали амалга ошириш имконини яратди.

Бу одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши демакдир. Нодавлат, жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб, ривожланаётганидан далолат беради. Айнан шундай ташкилотларнинг фаоллиги ва масъулиятининг ортгани, фуқароларнинг онги ва тасаввурнида, кундалик ҳаётида улар тобора кўпроқ иштирок этаётгани “Ҳалқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари ҳалқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шарти ва шаклидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>3</sup> Фармонини тилга олиш ўринли бўлади. Чунки бу фармон ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти бўлган ҳалқнинг ҳоҳиш иродасини, унинг орзу-интилиш ва манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда,

<sup>3</sup> Ҳалқ сўзи газетаси, 2017 йил 3 октябрь.

давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини йўлга қўйишни, халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши кераклигини назарда тутади.

Албатта, бугунги қадар ҳам Ўзбекистонда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни кўзда тутадиган қонун ҳужжатлари бор эди. Лекин улар мамлакатимиздаги юзага келган янги ижтимоий-сиёсий реаллик талабларига, фуқароларнинг энг муҳим талаб ва эҳтиёжларига жавоб бермас эди. Масалан, 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда мурожаатлар билан қандай ишлаш, аҳолининг ҳақли талабларини қандай ҳал қилиш бўйича аниқ ва самарали механизмлар белгиланмагани учун у тўлиқ ишламади ва кутилган натижани бермади. Кўпчилик фуқаролар бундай қонун борлигини билмас ҳам эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида эса ана шу мурожаатлар билан нафақат ишлаш ва уларни ҳал этиш механизмлари, балки бу борада институционал янгиликларни амалга ошириш кўзда тутилган эди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми, функционал вазифалари ҳақидаги ҳуқуқий нормалар бу фикрнинг далилидир.

Хусусан, Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқарма-си-нинг Фуқаролар қабулхонаси негизида тузилди. Бу эса фуқароларнинг Халқ қабулхонасига қилган ҳар бир мурожаати давлат раҳбарининг назорати даража-си-да кўриб чиқилишини англатади. Шунингдек, Фармон билан Халқ қабулхоналари нафақат марказда, балки Қорақалпоғистон Республика-си, вилоятлар, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда ту-зилиши белгиланганлиги кенг жамоатчилик томо-нидан катта қизиқиш ва хурсандчилик билан кутиб олинди.

Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларга мурожаатларни амалга оширишда қулийликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ҳам тузилди. Унга кўра, фуқаролар ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш орқали мазкур виртуал қабул-хонага мурожаат қилиш имкониятига эга бўлишди. Фармонга мувофиқ Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари этиб, аҳоли билан тўғридан -тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қо-нуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қара-тилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг

мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва са-ма-рали тизими фаолиятини таъминлаш, фуқаролар-нинг Ўзбекистон Республикаси Президенти-тига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти дево-нига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат орган-ла-рига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, бошқа давлат ташкилотлари-га ва хўжалик бошқаруви ор-ган-ла-рига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқлари-нинг сўзсиз амалга ошири-ли-ши учун шароитлар яратилади.

Фармонга кўра, мазкур жа-раёнларни назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тар-ки-бий тузилмасида алоҳида Жисмоний ва юридик шахс-лар-нинг мурожаатлари билан иш-лашни назорат қилиш ва му-вофиқлаштириш хизмати ҳам ташкил этилди. Шуни ҳам алоҳида таъкид-лаш лозимки, Фармонга му-во-фиқ барча даражадаги Халқ қабулхоналари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходимлари ҳи-собланади.

Таъкидлаш керакки, бу тузилмалар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва асослаб берилган халқ билан мулоқот институтининг энг таъсирчан, демократик механизми ва инструменти сифатида тез орада ҳақиқий халқчил идораларга айланди. Бундан атиги бир неча йил олдин одамлар ўз дарду ҳасратини нафақат давлат идораларида, балки энг яқин дўсти, қадрдонига айтишга ҳам тортинар эди. Президентимизнинг халқ билан мулоқот борасидаги амалий сиёсати, Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона фаолияти оддий халқнинг онгу тафаккурини шунчалик ўзгартириб, унинг ижтимоий муаммолари, айни вақтда ўз маҳалласи, жамоаси, фарзандларининг боғчаси, мактабига тааллуқли бўлган масалалар ҳақида ҳам дадил фикрлар айтмоқда. Шунинг учун юқорида зикр этилган фармон ижобий маънодаги улкан ижтимоий портлаш эфектига эга бўлган қонун ҳужжати бўлди, десак адашмаган бўламиз.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасида ана шундай мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани, ҳеч шубҳасиз, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларига янгича мазмун ва сифат бағишлайди. Чунки айнан ана шундай қонунчилик пойдевори фуқаролар ва фуқаролик институтларининг ижтимоий фаоллигини кучайтиради, ижтимоий-сиёсий жараёнларда, давлатни бошқариш соҳасида уларнинг иштирокини кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратади.

Ҳақиқатан ҳам, оддий фуқаро ўз мурожаати билан Халқ қабулхонаси ёки Виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, ўз ҳаёти ёки жамият тараққиётидаги муҳим бир муаммони кўтариб чиқса, уни ҳал қилишда ташаббускор бўлса, бу ундаги фаоллик, ташаббускорлик,

танқидий фикрлаш кўникмаларини янада оширишга олиб келади.

Буларнинг барчаси, мамлакатимизда демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниши тамойилига қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини ва эҳтиёжларини рўёбга чиқариш учун барча зарур имкониятлар ишга солинаётганини англатади.

Бу ўз навбатида, Шавкат Мирзиёев ғоялари асосида мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучнинг субъектив хоҳиш иродасига қарам бўлмасдан ишни фаол ташкил қиласидиган, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг олға силжишига халақит берәётган иллат ва асоратларни бартараф этишга қодир бўлган самарали тизимни шакллантириш жараёнини яққол намоён қиласиди. Айни пайтда бундай самарали тизим – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг мурим таркибий қисми бўлиб, ҳақиқатан ҳам "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойилини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қиласиди ва ҳокимиятнинг мустақиллигини таъминлайди ҳамда уларни амалда бутун жамият олдидаги масъуллигини знада оширади.

Ушбу йўналишда яна Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 12 декабрь куни "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармони ва "Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорни имзолаганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу ҳужжатларга кўра, Давлат органлари аҳолига «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойили асосида хизмат кўрсатади, Давлат хизматлари марказлари 60 га яқин давлат хизматларини амалга оширади. Шу мақсадда 2018 йилнинг 1 январидан барча халқ қабулхоналари ҳузурида мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъулият юкланган алоҳида давлат органи – Давлат хизматлари агентлиги худудий бўлинмалари билан ташкил этилди. Бу амалга оширилаётган ислоҳотларнинг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлайди, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли органлар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади. Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бошқарувни амалга оширишнинг аниқ ташкилий-институционал асосларини шакллантириш таъминланмоқда.

Эндиликда «ягона дарча» тамойили нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки бевосита фуқароларга ҳам хизмат кўрсатишда амал қиласиди. Давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот

қилмасдан ҳамкорликни таъминлаш аҳоли учун давлат хизматларини коррупция хавфисиз тезкорлик билан кўрсатиш имконини беради, фуқароларнинг кундалик ҳаётини жиддий равишда енгиллаштиради, бюрократия ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этади.

Ўз навбатида Халқ қабулхоналари ва Давлат хизматлари марказлари туман (шаҳар) миқёсида ягона яхлит фаолият олиб бориб, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали тизимини шакллантириш имконини беради. Давлат хизматлари марказлари фаолиятини самарали ташкил этишдан ташқари, ахборот алмашинуви бўйича идоралараро, энг аввало, электрон ҳамкорликнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш мазкур соҳада муваффақиятга эришиш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Шу муносабат билан Фармонда Давлат хизматлари ягона реестрини ташкил этиш, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича ягона маъмурий регламентлар ишлаб чиқиши, Агентлик, унинг худудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларида ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари ҳамда дастурий маҳсулотларни, шунингдек, аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бу давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» деган муҳим тамойилни жорий этиш имконини беради. Интернет ва мобиљ технологияларнинг фаол жорий этилиши хизматдан фойдаланувчилар давлат органлариға зарур ҳолларда боришлари, одатий ҳолларда эса хизматлар масофадан электрон тартибда кўрсатилиши билан боғлиқ ғояларнинг истиқболда амалга оширилишини таъминлайди.

Шунингдек, Президентимиз Фармони билан Давлат хизматлари марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат хизматларининг сонини, айниқса, фуқаролар учун босқичма-босқич жиддий равишда оширишни ҳисобга олган ҳолда хизматдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиладиган бино ва иншоотларни тўлиқ янгилашга зарурат мавжуд. Шу муносабат билан масъул идораларга Давлат хизматлари марказларининг янги қиёфасини ишлаб чиқиши топширилган, маҳаллий ҳокимият органлари эса Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда биноларни босқичма-босқич янгилашни таъминлайди.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан соғлиқни сақлаш, лицензиялаш, солиқ, божхона ва бошқа соҳаларда жадал сифат жиҳатидан яхшилашнинг муҳим механизмлари, шунингдек, давлат хизматлари бўйича мобиљ иловаларни ишлаб чиқиши, хизматларни олис жойларга чиқсан ҳолда кўрсатиш, аҳоли билан тезкор алоқалар, расмий веб-сайтлардаги интернет-ботлар, ижтимоий тармоқлар ёрдамида қайта алоқанинг самарали тизимини ташкил

этишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди. Шунингдек, 2018-2020 йилларда жорий этилишига қараб Давлат хизматлари марказларида «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиладиган 58 та давлат хизматининг рўйхати тасдиқланди. Уларнинг қаторида уй-жойларнинг сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, якка тартибда уй-жой қуришни амалга оширишга рухсатнома, тураг жойи бўйича рўйхатга олиш (прописка), рўйхатдан чиқариш ва ҳисобга қўйиш, турли архив маълумотномалари, патентлар, гувоҳномалар ва расмий ҳужжатлар дубликатларини олиш каби аҳолининг талаби юқори бўлган хизматлар мавжуд.

Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан давлат хизматлари кўрсатишнинг мутлақо янги ташкилий асослари жорий этилаётгани, давлат ва аҳоли ўзаро ҳамкорлигининг замонавий концепциясига пойдевор қўйилаётганидан далолат беради. 2018 йилнинг 29 марта Ресpubлика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан «Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш: миллий тажриба ва халқаро амалиёт» мавзуида ўтказилган матбуот анжумани буни яққол кўрсатади.

Ушбу анжуманда қайд қилинганидек “Давлатимиз раҳбари томонидан халқнинг оғирини енгил қилиш, уларга «давлат – фуқаро» муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг янги концепцияси илгари сурилди. Бунда асосий эътибор навбатда туришларни кескин камайтириш, сансалорликнинг олдини олиш, халқ-нинг давлат идораларидан рози бўлишига қаратилди. Бундан буён фарзанднинг дунёга келиши, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш каби юмушлар ҳам Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади. Бу нафақат сарф-харажатларни, балки инсон учун қимматли бўлган вақтни тежаш имконини ҳам яратади.”

Маълумотларга кўра, ҳозир республикамиздаги давлат хизматлари марказларида аҳолига инновацион технологиялар ва замон талабларига мос равишда 37 турдаги хизматлар кўрсатилиб келинмоқда. Жорий йилнинг биринчи апрелидан уларнинг сони 50 тага етказилиши назарда тутилмоқда. Яна бир янгилик – давлат хизматлари юридик шахслар билан бир қаторда, жисмоний шахс-ларга ҳам кўрсатилади. Ўтган қисқа вақт ичida туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига жами 46 минг 380 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди.

Буларнинг барчаси эса, Ўзбекистонни 2017-2021 йиллар давомида ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган устивор йўналишлар ва долзарб вазифаларни самарали амалга ошириш учун пухта хамин яратилганидан далолат беради.

Айни пайтда бу борадаги ютуқлар ва самарали натижалар Ҳаракатлар стратегиясининг яна бир мурим йўналиши бўлган «қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш” бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни бажариш учун мустаҳкам асос яратади.

Маълумки, ҳар бир халқ эркин, фаровон яшаш ҳуқуқига эга ва буни азиз деб билади. Жумладан, ҳар бир инсон ҳам бундай ҳуқуққа эга. БМТ томонидан 70 га яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан 70 дан ортиқ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан 30 дан кўпроқ инсон ҳуқуқларига тааллуқли халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинган. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро ҳужжат мавжуд.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Мамлакатимиз қонунларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умуминсоний меъёр ва андозаларга мувофиқлаштириш, бу соҳада миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиласидиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилишда давом этиб, улар бўйича мажбуриятларни бажаришнинг самарали механизми яратилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари кафолатлари белгилаб берилган.

Бугунги кунда ана шу тамойиллар асосида мамлакатимизда юксак талабчанлик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари замирида фуқароларимиз ҳуқуқи, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини муносиб ҳимоя этишдек инсонпарвар ғоя мужассамлиги яхши маълум. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан сўнг бу масалага янада жиддий эътибор қаратила бошланди.

Маълумки, ушбу Фармонда кўзда тутилган бош мақсад суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада

такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, яъни қонун олдида ҳамманинг тенглигини амалда намоён этишдан иборатдир. Афсуски, ўтган даврда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан қатор камчиликларга йўл қўйилгани, бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлгани биз сабоқ чиқариб олишимиз керак бўлгани аччиқ ҳақиқатдир. Фармонда таъкидланганидек, жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ҳамда холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқ мавжудлигини ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили яққол кўрсатди.

Бугунги талаб шундан иборатки, суд органларининг биринчи даражадаги эътибори Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳимояси бўйича кафолатланган барча тартиб қоидаларга, аниқроғи, конституцион принципларга оғишмай амал қилиш керак бўлади. Қонуннинг бу нормаларига риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади. Ўз навбатида, бундай хатти-ҳаракатлар тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Фармоннинг 2-банди талабларига эътибор қаратайлик. Унда «жиноят иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик тазийик ва қадр-қимматини камситувчи муомала турларини қўллаб» шахсни эрkin фикрлаш, ҳақиқатни баён этиш каби имкониятидан фойдаланишга босим ўtkазиш йўли билан олинган кўрсатувлардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Суд-тергов фаолиятини амалга ошириш жараёнида бу каби ҳолатларга дуч келинган вақтда ёки айбланувчи, судланувчи томонидан шикоятлар бўлганда, судьялар бу ҳолатларни албатта текшириб кўриши, бунинг учун бир қанча процессуал ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади. Масалан, шахсни ҳибсда сақлаб турган ҳибсхона маъмуриятининг тиббий ёрдам қисмига ёки шахс мурожаат қилган тиббий муассасага ёзма равища сўровнома юбориши, олинган тан жароҳати юзасидан маълумот мавжудлигини аниқлашга киришиши керак. Агар тан жароҳати излари сақланиб қолган бўлса, бу жароҳатлар етказилган вақтни аниқлаш мақсадида тиббий экспертиза тайинланади.

Шунингдек, ҳибсда сақланаётган шахс ўзига нисбатан содир этилган ноқонуний ҳаракатлар юзасидан қайси назорат этувчи органга мурожаат қилганлиги ҳақида суриштирилади. Шуни ҳам айтиш керакки, шахснинг мурожаати ҳақиқат эканини тасдиқловчи биринчи белгилар суд-тергов фаолиятига етиб келмай йўқолиб кетган ҳоллар оз эмас. Айни вазиятда суд ислоҳотлари ҳақида гап кетганида, суднинг бош вазифаси инсонни жазолаш эмас, балки унинг ҳуқуқини

ҳимоя этиш эканлиги такрор ва такрор айтилмоқда. Бироқ ҳаётда шундай ҳолатлар юз берадики, биринчи марта тергов бераётган ёки судланаётган шахс ўзининг конституцион ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билмаслиги, ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги оқибатида адвокат ёки таржимон хизматидан фойдаланишни шарт эмас, деб ҳисоблаб, ўзини ўзи қийин аҳволга солиб қўйиши, ҳақиқий ҳолат аниқланишини мураккаблаштириб юбориши, гоҳида эса далиллар йўқолиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида содир этилган ҳаракатларни қонуний баҳолаш қийинлашади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг моҳиятига кўра, эндиликда юқорида санаб ўтилган ҳолатлар амалиётда учраган тақдирда, улар юридик кучга эга бўлмаган маълумотлар деб ҳисобланади, жиноят ишларини кўриш даврида улардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Фармоннинг 5-бандида судларга судланувчилардан далилларни йиғишда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар келиб тушган тақдирда улар қонун билан белгиланган тартибда мажбурий текширилиши шарт эканлиги кўрсатилган. Ўзларига эълон қилинган айдан норози бўлган, ҳибса сақланаётган шахслар аксарият ҳолатларда ариза ва шикоятларини тергов изолятори орқали судларга йўллаганликлари каби мисол суд амалиётида кўп учрайди. Лекин бундай аризалар судгача етиб келмаган ҳолатлар ҳам кўплаб топилади. Эндиликда бундай ариза ва шикоятлар прокурор томонидан мажбурий тарзда текширилиши мазкур Фармон билан мустаҳкамланди. Бу талаб-қоидалар фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда фуқаролардан судларга бўлаётган мурожаатлардан кўриниб турибдики, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва билими ошиб бормоқда, суд-ҳуқуқ идораларига ишонч ҳам мустаҳкамланмоқда. Бу ўзгаришларнинг асосий омиллари суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг ижроси юзасидан амалий ишлар олиб борилаётганида эканлигини эътироф этиш керак. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги, ваҳоланки, унгача охирги беш йилда атиги 7 нафар шахс оқлангани Фармоннинг шарҳида алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, жорий йилда дастлабки тергов органлари томонидан реабилитация ва бошқа асослар бўйича 3511 нафар жи-ноят иши тутатилган.

Демак, суд мустақиллигини таъминлаш орқали фуқаролар ҳуқуқлари қонуний ҳимоя-сини мустаҳкамлаш борасида муҳим қадамлар ташланмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки,

фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳуқуқий ҳужжатлар яратилмоқда. Аммо улар ҳаётга қандай жорий этилиши биз суд-ҳуқуқ органлари ходимларининг билими, маҳорати, қатъиятлиги ва холислигига боғлиқ.

Шунингдек, бу борадаги стратегик ислоҳотлар бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги ваколатларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш ҳамда уни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиласиган том маънодаги институтга айлантириш имконини янада орттироқда. Айни пайтда бу, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш ҳамда аҳолининг барча қатламлари манфаатларини акс эттирадиган фуқаролик институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг самарали фаолият юритиши ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Буларнинг барчаси, ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор бўлган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилаётганини кўрсатади. Айни пайтда бу, ўз навбатида, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини самарали амалга ошириш жараёнида инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш, унинг манфаатларини ислоҳотларнинг асосий мезони тарзида тушуниш мухим аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидланганидек: “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равshan тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.”<sup>4</sup>

Ҳаракатлар стратегияси Ватанимизнинг замонавий тарихини,

<sup>4</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида ги нутқи. –Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь

жамиятимизнинг тараққиёт босқичлари, бугунги кундаги устивор вазифалар моҳияти ва мазмунини чуқур ўрганиш, ушбу миллий тажрибанинг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий имкониятларини янада яққолроқ англашда, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

Бу эса ўз навбатида, халқимиз томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва мэрралар, мамлакатимизнинг барақарор тараққиёт дастурини яққол акс эттирган мазкур стратегиянинг аҳамиятини ҳар бир замондошимиз қалби ва онгига сингдириш маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишига айланганидан далолат беради.

Шу маънода, халқимиз томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, барча соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқ ва мэрралар, мамлакатимизнинг барқарор тараққиёт йўналишлари ва имкониятларини яққол акс эттирган ушбу стратегиянинг аҳамиятини ҳар бир замондошимиз қалби ва онгига сингдириш бугунги маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий йўналишига айланди. Бу эса аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёш авлод тафаккурида жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш борасида барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

## **Ўзбекистоннинг ёшларга доир сиёсатининг мазмун-моҳияти ва хусусиятлари**

Ҳозирги даврда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибиغا қуяилаётган бежиз эмас. Маърифатпарвар бобомиз Абурауф Фитрат “Оила” рисоласида намунали авлодни тарбиялаш нафақат бир миллат ёки халқ учун, айни пайтда бутун инсоният учун ғоятда муҳим эканлигини зикр этиб, “Кимки бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади” деб ёзган эди. Бунда асосий эътибор жамиятдаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ва давлатнинг ёшларга оид сиёсати ҳамма замонларда ҳам маънавият авлодни тарбиялаш омили бўлиб келганлигини, айниқса, ҳозирги замонда бу жуда долзарб эканлиги англашга қаратилаётгани бунинг яққол далилидир.

Бинобарин бугун ҳар бир давлат ҳалқининг тинч -тотув яшаши йўлида сиёсат олиб борар экан, мамлакатнинг келажағи бўлгаг ёш авлодга катта эътиборни қаратади. Алоҳида қайд қилиш керакки, етарли билим, малака, хаётий тажрибага эга бўлмаган, ўз тарихи,

аждодларининг кимлигидан беҳабар, соддадил, ишонувчан ёшлар бугунги кундаги бузғунчи ғоялар тузоғига тушиб қолаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Ҳозирда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар, миллий онг, шунингдек қадриятларнинг ҳамда турмуш тарзини издан чиқаётганлигига кўз юмиб бўлмайди. Энг ёмони бундай ҳаракатлар натижасида одам ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларидан йироқлашиб, лоқайд ва манқуртга айланиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Бу эса, давлатимизнинг ёшларга доир сиёсатида, глобаллашув жараёнида уларни турли хил шакл кўринишдаги маънавий хуружлар ва ғоявий таъсирлардан ҳимоялашни талаб қиласди.

Таъкидлаш жоизки, жамият ҳаёти ва тараққиётининг демографик ҳолатига қўра, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида аҳолиси тез суратлар билан ўсиб бораётган давлатлар қаторига киради, аҳоли орасида ёшлар сонининг кўплиги бўйича эса, Осиё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Бу борадаги кўрсаткичлар ва мамлакатимиз демографиясига хос хусусиятлар, ўз навбатида, жамиятимиз тараққиётининг барча йўналишлари, айниқса маънавий ҳаёт динамикасига катта таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлат ва жамият каби, бизнинг мамлакатимизнинг ёшларга доир сиёсатида ҳам, ушбу омилнинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида аҳамият қаратилади. Айни пайтда, юртимида аҳолининг муттасил ўсиб бориши жамият маънавий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишларда, муайян даражада, ўз аксини топади ҳамда ижтимоий сиёсатда муқаррар тарзда ҳисобга олинадиган жиҳатлар сирасига киради.

Таъкидлаш жоизки юртимида аҳоли сони ўтган давр билан таққослаганда, яъни 1991 йилга нисбатан 1,5 баробарга, 2013 йилга нисбатан 5,3%га ўсан (31,5 миллион киши). Шундан, 30 ёшгача бўлган ёшлар 18,6 млн.ни ёки аҳоли сонининг 59,1%ни ташкил этади. Ёшлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд (2,2 млн.) ва Фарғона (2,02 млн.) вилоятларида кузатилган бўлса, паст кўрсаткич Сирдарё (0,48 минг) ҳамда Навоий (0,53 минг) вилоятларида қайд этилган.

Ҳозирги даврдаги бу соҳадаги ўзгаришлар ва янгиланишлар, хусусан 2017 йилда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг таш кил этилиши, 2016 йилда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид дав лат стесати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда

Ўзбекистон Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги Фармони ва “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплек чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги Қарори ўтган йилларда бу соҳада тадрижий ва тизимли тарзда амалга оширилган туб ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин.

Бу ўз навбатида, бугунги кунга келиб ёшлар омилини янада фаоллаштириш, унинг салоҳиятини кенгроқ юзага чиқариш – ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш бўйича бошланган яратувчанлик ишларининг самарадорлигига эришиш, кўзланган мақсадларга етишнинг кафолати бўлиб, ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўйидаги фикри ушбу долзарб жабҳанинг асосий мезонларини белгилашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга: “Ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий маданият, соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишга қаратилган ишларнинг самарасини оширишни бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бу борадаги дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижроси яқинда янгидан қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун нормалари асосида қатъий давом эттирилади.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Биз кўплаб дастурларни қабул қилмоқдамиз, лекин уларни амалга оширадиган, ташаб-бускор ва ватанпарвар, юқори малакали кадрлар етарлимиси? Олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар олдимиизга қўйилган бундай улкан вазифаларни бажаришга қодирми? Уларга таълим бераётган ўқитувчи ва профессорларнинг билим ва малакаси давр талабига жавоб берадими? Минг афсуски, бу саволларга жавоб бериш осон эмас.<sup>5</sup>

Ушбу хулоса асл ҳаёт ҳақиқатини акс эттирган бўлиб, яна бир бор бугунги кундаги ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий мезонларини, умумий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш, ундан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш, ёш авлод камолоти билан узвий боғлиқ бўлган ва демократик ислоҳотлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган омилларни янада

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь

фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш вазифаларининг моҳиятини англатади.

Демографик кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2014 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра ёшлар сони умумий аҳоли сонининг 59% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 58,5%ни, 2018 йилда 57,9% ва 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 60,1%ни ташкил этган.

Бу жиҳатдан, ҳозирги даврда давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини изчил амалга ошириш, уни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топиш, бу жараёнда фаол иштирок этадиган ёш авлодни тарбиялашга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Президент Ш.Мирзиёевнинг “Биз янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли ва ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш устида жиддий ишлаймиз”, деган фикри бунинг яққол исботидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ёшлар куни арафасида “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури тасдиқланиб, барча туман ва шаҳарларда амалга ошириш бошлангани ҳам ушбу фикримизнинг яққол далили бўлади. Бу борада 2018 йил 27 июндаги «Ёшлар – келажагимиз» Давлат дастури тўғрисида»ги Фармон Юртбошимизнинг мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларни ҳаётга фаол жалб қилиш учун янги истиқболларни очишни кўзлайдиган тарихий ҳужжатdir.

Мамлакатимиз аҳолиси сонининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу Фармоннинг аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас Мазкур ҳужжат фаол ва омилкор ёшлар сонини янада кўпайтириш билан бирга, уларни қийнаётган муаммоларига ечим топишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.<sup>6</sup>

Мазкур кўрсаткичлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда мамлакатимизни янгилаш ва янада демократлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон ёшларнинг бевосита ҳуқуқ ва

<sup>6</sup> Ёшлар келажаги ва бандлигини таъминлашга дахлдор лойиҳа. – Жамият, 2018 йил 28 июнь

эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Давлатимизда БМТнинг ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид универсал аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатлари ратификация қилинган. Республикамиз ЮНЕСКО ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган муҳим конвенцияларнинг иштирокчисидир.

Шу нуқтаи назардан, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу борада муҳим қадам бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, Асосий қонунимиз билан бирга, Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар ўз навбатида, мустақил мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ ушбу соҳага оид давлат сиёсати шаклланиши ва уни амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратилганидан далолат беради.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ёшларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган қонун ҳужжатлари тизими шакллантирилган. Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва давлат Дастурлари каби ёшларга оид жами 150 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг барчаси ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганидан далолат беради. Айни пайтда, мамлакатимизда ёшларни қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, ўз ҳаётий позицияси ҳамда мустақил қараашларига эга бўлган маънавий баркамол авлодни вояга етказишга кўмаклашиш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсати йўналишида 434 та нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Шу маънода, мустақилликнинг илк давридаёқ юртимизнинг равнақи, гуллаб яшнаши учун, аввало, фидойи, интеллектуал жиҳатдан ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш, фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга ва XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши долзарб масалалардан бири сифатида белгилаб олингани асло

безиз эмас. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, яъни, 1991 йилнинг 20 ноябрида собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганини буниг яққол далилидир.

Бу нуқтаи назардан, мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларда қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжатлар, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳалари каби, бу борада ҳам бош ислоҳотчи бўлган давлатимизнинг ёшлар масаласига доир сиёсатнинг стратегик йўналишларини мустақил тараққиётимизнинг аввал-бошиданоқ белгилаб олганлигидан далолат беради. Эндиликда, шу асосда, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳозирги амалиётида ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб вояга етказиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, бу соҳада келгусидаги асосий вазифаларини белгилаш ҳамда ижтимоий йўналтирилган дастур ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишига кўмаклашиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усусларини ҳаётга жорий этишда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Истиқлол йилларида ушбу йўналишда амага оширилган ишларнинг натижаси ўлароқ, истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид», кейинроқ «Устоз» ва яна кейинроқ эса «Истеъод» жамғармалари, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақалари ташкил этилди. «Ниҳол», Зулфия Давлат мукофотлари таъсис қилиниб, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони Низомига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди ва ушбу мукофот билан ёшлар ҳам тақдирлана бошлади. Ёшларимизнинг ўқиши ва ишлаши, халқаро танловлар ва олимпиадалар, спорт ва бошқа мусобақаларда фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Дунё глобаллашиб бораётган ҳозирги даврда жаҳон майдонларида рўй бераётган турли воқеа ва ҳодисалар, мафкуравий полигонлар ва майдонларда ишлаб чиқилаётган ҳамда бизга ёт ва бегона бўлган бузғунчи ғоялар ва вайронкор мафкуралар таҳдиidi

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги фаолият қадри ва аҳамиятигининг сезиларли даражада ошиб бораётгани, бу йўналишдаги вазифларнинг янада долзарблашаётганидан далолат беради. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бирорларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.”<sup>7</sup>

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклигига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олганликларига ҳам бевосита боғлиқ экани шубҳасиз. Мустақил фикрлай оладиган, дунёқараши ва тафаккури кенг ҳақиқий инсонлар давлатимиз ва халқимиз келажагини белгилайди. Бу эса, ана шунга мос бўлган жисмоний соғлом ва маънавий баркамол бой ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим муаммолари сирасига киришининг сабаларини белгилайди. Тез ўзгараётган ва шиддат билан одимлаётган ҳаётнинг ўзига хос талаблари давлатдан бу соҳада ҳам омилкор ва фаол ислоҳотчи бўлишни талаб қилмоқда. Ушбу йўналишдаги серқиррафаолиятида ҳаёт талабларига жавоб бериш ва давр билан ҳамқадам бўлиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш, истиқболдаги устувор вазифаларни аниқ-тиниқ белгилаб олиш ва уларни рўёбга чиқариш бўйича изчил чораларни кўриш масалалари ҳам долзарблашиб бормоқда.

Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бозор муносабатлари чуқурлашуви, демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши билан бугунги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос замонавий тафаккурни

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь

шакллантириш масаласи янада долзарблашиб бораётганидан далолат беради.

Бундай серқирра ва мураккаб жараёнда ёшларга оид сиёсатни изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топишнинг долзарблиги мамлакатимизда янги жамиятнинг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашуви, ёш авлоднинг маънавий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, ҳуқуқий қарашларининг замонга мос тизими таркиб топиши сингари вазифаларни амалга ошириш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларни янгиланиш ва ворисийлик тамойиллари асосида тарбиялаш, уларни тарихийлик ва замонавийлик анъаналарини яхши англайдиган кишилар қилиб етиштириш, шахс сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи ушбу соҳадаги фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида мамлакат келажаги ва тараққиётини кўп жиҳатдан белгилаб беради ҳамда шу аснода, ёшларнинг ҳар томонлама салоҳиятли бўлиб тарбияланиши, уларнинг муайян касб-ҳунар ёки соҳанинг устаси бўлиши учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Шу муносабат билан, 2016 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини аниқ-тиниқ ифодалайди. Унда бугунги кундаги долзарб вазифаларни изчил ва тизимли равишда, босқичма-босқич амалга ошириш йўллари аниқ кўрсатилиб, қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш ва ҳукумат томонидан ёшларга доир қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнига мос равишда, босқичма-босқич амалга ошириш;
- ёшлар сиёсатини юритувчи давлат ва нодавлат тузилмалари тармоғини кенгайтириш ва такомиллаштириш, уларнинг ёшлар тарбиясидаги фаолиятини кучайтириш;
- Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуриш йўлида ёшларнинг ижодий имкониятларини тўлароқ намоён этишлари учун қулай шартшароитлар тратиш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

- ёшларни сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш ва улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёшларнинг ўзларини кўпроқ жалб этиш, улара ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўникмаларини шакллантириш.

Ушбу соҳадаги вазифаларни бажариш борасида дав лат ёшлар сиёсатини амалга оширап экан, аввало, миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъий назар, ёш авлодга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, миллий-маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаларини таъминлаш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратиши кабилар қонунда белгилабқўйилган. Унда ёш авлод ҳаётига оид дастурларни ишлаб чиниш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита штирок тишини таъминлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини знада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани нихоятда мухим аҳамиятга эга.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 – августла қабул қилинган “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, унда таъкидланганидек, мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури қабул қилинди. Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига

айланиб бормоқда.<sup>8</sup>

Буларнинг барчаси, кўплаб омиллар билан бирга, мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия беришда миллий ғоялар тизимининг субстанционал асос сифатидаги таъсирини, бу борадаги ғоявий-тарбиявий ишлар самарасини кўрсатади.

Шу билан бирга, Қарорда бошқа бир қатор жиҳатлар билан бир қаторда, (бу борада миллий ғоялар тизимининг антисубстанционаллашиш жараёни қандай рўй бераётганини яққол кўрсатадиган) айрим муаммолар сақланиб қолаётганлиги ҳам қайд этилган. Хусусан:

**биринчидан**, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

**иккинчидан**, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

**учинчидан**, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар обектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўгараклари, спорт сексияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**тўртинчидан**, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни

---

<sup>8</sup> “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 23 май, <http://www.president.uz/uz/lists/view/966> 1/4

келтириб чиқармоқда;

**бешинчидан**, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

**олтинчидан**, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-куватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.<sup>9</sup>

Бугунгидек глобаллашув даврида бу тахлит омиллар шунга олиб келиши мумкинки, ушбу йўналишда муайян мафкуравий иммунитетга эга бўлмаган ёш инсон ягона мақсад ва умумий идеалларига эришиш мўлжалларини йўқотиб қўйиши мумкин. Бу масалада фақат шахс даражасидаги оддий омилларнигина қайд этишнинг ўзи етмайди, балки бундай ҳолда тарбиявий фаолиятни ташкил қилиш ва уни бошқаришнинг турли шакллари ҳам ҳисобга олиниши лозим бўлади. Бу соҳадаги қонуният шундайки, бир миллатга мансуб аксарият шахсларга тегишли стериотиплар сақланиши ёки сийқаланиши оқибатида ёшлар орасида ушбу соҳадаги қадриятларнинг қадрсизланиши ва унинг дарз кетиши жараёни рўй беришидан далолат беради.

Ушбу масалада З.Расулованинг “Ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этник психологияси” мавзуидаги тадқиқотларига мурожаат қилсак, бу масалада ҳам эски стериотиплар сақланиб қолаётгани, янги авлоднинг ҳам улардан халос бўла олмаётгани яқъол намоён бўлади.

Бу жиҳатдан, тантанали саналарда оммавий зиёфатлар уюштириб, ҳалқни сийлаш, кичик йиғинлардан кўра катта йиғин ва жамоавий тадбирларни афзал кўриш, йиллар мобайнида борини йиғиб -териб элга тарқатишдан завқ-сурур туйиш, барча жабҳаларда биринчи бўлиш, ортда юрмаслик, мashaққат-ларни енгиб ўтиш фазилатлари

<sup>9</sup> “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 23 май, <http://www.president.uz/uz/lists/view/966> 1/4

қадимги одатлардандир. Шундан келиб чиққан ҳолда никоҳ тўйи маросимларига ва унда шаклланган янги расм-русумларга, улардаги исрофгарчиликларга анъана, одат сифатида амал қилиб келинмоқда. Бу ердан стереотип келиб чиқади, ҳамма амал қилган одатни бажармасликнинг иложи йўқлиги шубҳасиз.<sup>10</sup>

Албатта, биз ушбу одатлар ва расм – русмларни бутунлай салбий хусусиятлар сифатида қоралаш фикридан йироқмиз, аммо уларнинг айримлари ўзбек халқининг маънавий юксалишида қанчалик ижобий роль ўйнамасин, уларни ўтказиш билан боғлиқ баъзи ортиқча расм-русумлар, одат тусига кириб бораётган удумлар ортида ортиқча сарф-харажатлар ётганини исботлаш шарт бўлмаса керак.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизнинг жадал тараққий этиши ва янада обод бўлиши, унинг дунёдаги ривожланган давлатлар сафидан муносиб жой олишини таъминлайдиган, жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш бўйича долзарб вазифаларни амалга оширишнинг янги босқичи бошланди. Бу жиҳатдан, бугунги дориламон давр талабларига мос янги авлодни тарбиялаш, юртимизнинг равнақи ва гуллаб яшнаши учун хизмат қиласидиган ёшларни етиштириш, фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлиб етишиши бу соҳадаги давлат сиёсатининг долзарб вазифалари сифатида белгилаб олингани асло бежиз эмас. Президентимиз Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси” ана шундан далолат беради.

Бу борада айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнида ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб ўстириш, уни энг замонавий интеллектуал билимлар билан таъминлаш, маърифатлилик даражасини янада кучайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда, давлат ва халқ ҳаётида ёшларга янада кенг йўл очиш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши учун керак бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш бу йўлдаги асосий вазифалар сирасига киради.

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида болалар ва ёшлар давлат томонидан кучли назорат остига олинган ва октябрят, пионер,

---

<sup>10</sup> Расулова З. Ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этник психологияси. Психол. фанлари док. дисс. автореферати. –Т.: ЎзМУ, 2018. –Б. 26-27

комсомол каби оммавий ташкилотлар аъзоларига айлантирилган эди. Ушбу давлат тарқалиб кетганидан сўнг унинг ўрнида шаклланган мустақил давлатларнинг ҳар бирида ёшлар сиёсатига доир масалаларга турлича ёндашувлар рўй берди. Хусусан, Республикаизда ёшлар ташкилоти 1992-1996 йилларда Ўзбекистон ёшлари иттифоқи номи билан аталар эди.

Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги ПФ-1425-сонли Фармонига асосан мамлакатимиз ёшларининг «Камолот» жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма ўтиш даврда ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларда мустақиллик тафаккури ва замонавий дунёқараши шакллантириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик қўникмаларини ҳосил қилиш каби эзгу ғоялар асосида тузилган эди.

Аммо, жамғарма ўз дастурлари билан ёшларнинг, айниқса, кундалик турмуш ташвишлари билан ўралашиб қолган, дунёқараши тор, маънавий-маърифий тарғибот ва спорт-соғломлаштириш ўчоқларида фаол иштирок этмайдиган қатламларига кириб бора олмади, республиканинг чекка қишлоқ ва туманларида ўз фаолиятини етарли даражада ташкиллаштира олмади. Бу борадаги кемтикларни бартараф этиш мақсадида 2001 йил 25 апрелда таъсис қурултойида Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида таъсис этилди. Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 10 ёшдан 14 ёшгacha бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган “Камалак” болалар ташкилоти тузилди. Ушбу йўналишдаги фаолиятда Ўзбекистон Президентининг 2006 йил октябрдаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Пқ-486 - сонли қарори мазкур ташкилот фаолиятини ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этиши лозим эди.

Афсуски, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлагани каби, ўтган йиллар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшлар масалаларини, авваламбор уларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган совуқёнлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш масалаларини тўла-тўкис ҳал эта олмади.

Бу эса, ўз навбатида, 2017 йилга келиб, Ўзбекистон Ёшлар

иттифоқи ташкил этилишига сабаб бўлди. Илгариги ташкилотлардан мутлақо фарқ қиласиган тамойиллар асосида ишлаши назарда тутилган мазкур ташкилот ёшларнинг жамият билан ўзаро муносабати ёшларга оид сиёсатнинг муҳим бўғинига айланиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларига янада кенг жалб этилиши, ёшларда шубҳасиз равишда мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришга алоҳида эътибор бериши лозим.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнда бўлиб ўтган IV Қурултойида, айнан ана шу масалалар, айниқса глобаллашиб бораётган бугунги дунёдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиизда ёшларга оид давлат сиёсати қандай амалга ошириляпти, бу соҳада қандай муаммолар бор, уларни қай тарзда ҳал қилиш керак, ёшлар ташкилотининг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши лозим, деган масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Нутқда таъкидланганидек, бундан 16 йил олдин ташкил этилган «Камолот» бутун Ўзбекистон ёшларини бирластирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмади. У асосан ўз атрофида Ҳаракат фаолиятига хайрихоҳ бўлган ёшларни уюштириб, фақат уларни қизиқтирган масалалар юзасидангина иш олиб борди. Натижада ёшларнинг кенг қатламларига тааллуқли бўлган долзарб масалалар, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзини ҳақиқий ёшлар ташкилоти сифатида кўрсата олмади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда «Камолот»нинг 4 миллионга яқин аъзоси бор. Бу мамлакатимииздаги 10 миллиондан зиёд йигит-қизларнинг 40 фоизини ташкил этади. Бир қарашда, 4 миллион – салмоқли рақам бўлиб кўринади. Лекин холисона айтганда, ташкилотга аъзолик кўп ҳолларда фақат қофозда мавжуд, амалда эса аксарият аъзолар «Камолот» тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмас, унинг мақсад ва вазифаларини билмайди, ўз етакчиларини танимайди, Ҳаракат фаолиятида иштирок этмайди.

Натижада юртимиздаги минглаб ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда нафақат «Камолот»нинг, айни вақтда давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмоқда. Бунинг оқибатида уюшмаган, яъни,

ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бормоқда. Ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кузатилмоқда. 2016 йилда ёшлар иштирокида 1 миллион 740 мингга яқин ҳуқуқбузарлик, 23 минг 440 та жиноят содир этилгани, ёш оиласар ўртасида 8 мингдан ортиқ ажралиш ҳолати қайд этилгани ана шундай салбий ҳолатлардан далолат беради.<sup>11</sup>

Президентимизнинг нутки асосида хulosа чиқариладиган бўлса, албатта, бу борада ҳамма айбни фақат «Камолот»га юклаб қўйиш адолатдан бўлмайди. Айни вақтда бу масалада ёшлар билан доимо ҳамнафас, ҳамфирк бўлиб яшаши, ишлаши керак бўлган «Камолот» ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг масъулияти кўпроқлиги айни ҳақиқатдир. Ҳаракатнинг жойлардаги тузилмалари фаолияти тор доирада чекланиб, асосан ўқувчи-ёшларга қаратилган. Бунинг натижасида ёшларнинг катта қисмига Ҳаракатнинг сўзи ҳам, амалий таъсири ҳам етиб бормаган. Айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш масаласи эътибордан четда қолиб кетган, ўтказилган кўпчилик тадбирлар, тарғибот материалларининг мазмуни ва сифати пастлиги, улар замон талабларига жавоб бермаслиги, ёшлар билан иш олиб боришда интерактив усувлар қўллашга етарли эътибор берилмаганганини қайд этиш лозим.

Қурултойда ана шундай салбий ҳолларни бартараф қилиш, ёшларнинг орзу-интилишлари, ҳаётий ва касбий қизиқиш доираси, ижтимоий мақсадлари бўйича уюштиришга имкон берадиган, мамлакат ёшларининг барча тоифа ва гуруҳларини қамраб оладиган, энг муҳими, уларни демократик принциплар асосида бирлаштирадиган ва ўз навбатида, ёш авлоднинг чинакам суюнчи ва таянчи бўла оладиган мутлақо янги ташкилот – Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этишга қарор қилинди.

Бу борада Қурултойда, аввало бўлғуси ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифалари, унинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини, обрў-эътиборини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбари айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб боришини

<sup>11</sup>Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. - Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль

ҳуқуқий асосда белгилаб қўйиш билан бирга, унинг Президент фармонига биноан Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб тайинланиши кўзда тутилди. Ташкилотнинг Қорақалпоғистондаги кенгаши раиси Республика Жўқорғи Кенгеси раисининг, вилоят, туман ва шаҳар бўлинмаларининг раҳбарлари эса тегишли ҳокимларнинг ёшлар сиёсати бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таркибий тузилиши ҳам мутлақо янгича тамойиллар асосида тузиладиган бўлди, шу муносабат билан умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий таълим тизимида «Камолот» нисбатан самарали фаолият олиб борганини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тизимдаги «Камолот» ташкилотлари негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бўлимларини ташкил этилмоқда. Ёшларнинг хоҳиши ва интилишларига кўра, Ёш олимлар уюшмаси, Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази, Ёшлар туризми уюшмаси, Спорт клублари ва фитнес марказлари уюшмаси, Имконияти чекланган ёшлар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар тузилиши кўзда тутилгани ҳам Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг салоҳиятини оширишга хизмат қиласди.

Хуллас, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳозир мавжуд бўлган ва келажакда тузиладиган бундай уюшмаларнинг барчасини бирлаштириб, уларга нафақат молиявий, моддий-техник нуқтаи назардан, аввало, ғоявий-услубий, маънавий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатадиган, уларнинг ишини мувофиқлаштирадиган асосий ташкилот сифатида фаолият олиб боради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун «социал лифт» вазифасини бажариши кераклиги, билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши лозимлиги ҳам бу соҳадаги давр талабини ифодалайди. Шу мақсадда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти тузилиши бу ишни режали ва самарали ташкил этиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз илмий асосланган ва замонавий тамойилларга таянадиган ёшларга доир давлат сиёсатини самарали шакллантириш жараёни жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маданий соҳаларда туб

ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ёшлар онгини, маънавиятини ўзгартириш ва уларнинг янги замонга мос тафаккурини дунёга келтиришдан иборатдир. Бундай ниҳоятда мураккаб ва серқирра вазифани амалга оширишда айнан маънавий омилларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Шу боис, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш маънавият ва маърифатнинг ёшлар тарбияси, инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шартларидан бири деб, билганлари бежиз бўлмаган. Маънавий тарбия – тараққиёт тақазоси, жамият ривожининг ўзига хос омили экани шубҳасиз. Аммо айни вақтда у ёшларнинг ахлоқий қиёфаси, қалби ва онгини эгаллаётган тамойиллар мазмун-моҳиятини белгилайдиган, яъни, шаклланиб келаётган авлоднинг маънавиятига катта таъсир қиласидиган, бу соҳадаги маънавий мезонларни шакллантирадиган ва мустаҳкамлайдиган энг муҳим омиллардан биридир.

Узлуксиз ва кенг қамровли бу жараён туфайли ҳали тажрибаси йўқ, эндиғина ҳаётга кириб келаётган ёшларимизни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, уларда мустақиллик тафаккури ва замонавий дунёқарашни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг ниҳоятда долзарб жабҳаларидан бирига айланмоқда. Аммо бу соҳада муаммолар йўқ, деб бўлмайди, амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам талайгина.

Айни вақтда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, янги таҳдид ва тажовуз ўчоқлари кўпайиб, янада хатарли даражада намоён бўлаётгани маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу эса соҳада тўпланиб қолган қатор муаммоларни пайсалга солмасдан ҳал қилишни тақозо этаётгани шубҳасиз.

Бундай шароитда ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтириш, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, унинг қиёфасида юксак ахлоқий тамойилларни шакллантириш масаласи давлатнинг ёшларга доир сиёсатидаги энг долзарб вазифалар бўлиб қолмоқда. Айни пайтда, бугунги кунда ушбу сиёсат доирасида замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илфор технологияларни ўзлаштирган баркамол авлодни шакллантиришда кўплаб омиллар қатори, маънавий таъсир усувлари ва ахлоқий тарбия воситаларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор берилаётганлиги,

жамият тараққиёти ва ёшлар камолотининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллари билан бирга, унинг маънавий-маърифий ва ахлоқий асосларини янада мустаҳкамлаш бу соҳадаги ислоҳотларнинг таркибий қисмига айлангани бежиз эмас.<sup>12</sup> Зоро, глробаллашиб ва ахборотлашиб бораётган бугунги дунёда бирор бир мамлакат ёки Ер юзининг ҳеч бир ҳудудида яшаётган аҳоли, айниқса ёшларни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан тўла-тўкис ҳимояланган дейиш қийин.

Бу нуқтаи назардан, алоҳида қайд этиш жоизки, ёшларга доир давлат сиёсати қотиб қолган ва ҳеч қачон ўзгармайдиган константаларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки жамият тараққиёти ва давр талаблари таъсирида муттасил янгиланиб, замонга мослашиб борадиган усул ва воситалар, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, турли дастурлар мажмуидир.

Шу маънода, ҳар қандай даврда ҳам, унинг амалга оширилиши, чуқур диалектик жараён бўлиб, муттасил ўзгаришлар ва янгиланишларни назарда тутиш зарурлигини англаради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўйидаги фикри ёшларга оид давлат сиёсатининг бугунги кунлардаги энг асосий мақсад-муддаолари ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий дастуруламал бўлиб ҳисобланади: “Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бирорларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.”<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Халқсўзи, 2016 йил 8 декабрь

Ушбу фикрдан кўринадики, айнан ёшлар сиёсатини амалга оширишда юксак маънавиятли кишиларни, яъни маънан баркамол авлодни шакллантирмай туриб, бугунги мустақиллик даврига мос ёшларга хос бўлган қадриятлар, идеаллар ва тамойилларни қарор топтириб бўлмайди. Шу билан бирга, бу ҳақда фикр юритганда, Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё соодат – ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзлари бежиз айтилмагани яққол кўринади. Ушбу сўзларўтган аср бошида қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсатида маънавий-маърифий жабҳа ва таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, маъмурий идоралар ва мансабдор шахслар, фуқаролик институтларининг бу йўналишдаги тамойиллар ва талабларга ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш кабилар бу борадаги энг устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Буларнинг барчаси, мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсатини самарали амалга оширишда аввало, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини инобатга олмасдан, ёш авлоднинг дунёқараши, фикри билан ҳисоблашмасдан, унинг маънавий асосларини шакллантириб бўлмаслигини кўрсатади. Айни шундай ҳолдагина ҳар бир ёш инсон ўз ҳуқуқ ва бурчини чуқур англайди, улар нинг жамиятда мавжуд маънавий мезонлар билан алоқадорлигини тўла-тўкис ҳис қилиши мумкин.

Юртимиизда ҳуқуқий давлат ва ривожланган фуқаролик жамияти асосларини яратилаётган бугунги кун учун бу ниҳоятда муҳим, чунки юксак маънавият демократик тараққиётнинг зарурий асоси, маънан баркамол авлод шаклланаётганининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўз навбатида, мамлакатимизда бозор муносабатларининг чуқурлашуви, демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши билан бугунги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос маънавий қиёфаси ва замонавий тафаккурини шакллантириш масалалари янада долзарблашиб бормоқда.

Бундай серқирра ва мураккаб жараёнда ёшларга оид сиёсатни изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усуllарини излаб

---

топишнинг долзарблиги мамлакатимизда янги жамиятнинг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашуви, ёш авлоднинг маънавий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, ҳуқуқий қарашларининг замонга мос тизими таркиб топиши сингари вазифаларни амалга ошириш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу нуқтаи назардан, ҳозирги даврда юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина бутун дунёда, жумладан мамлакатимизда рўй берадиган жадал инновацион тараққиётнинг энг юксак талабларига жавоб бера олиши мумкин. Ана шундай ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши, мустақилликни асрраб-авайлаш ва уни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ва гарови сифатида ўз вазифасини бажаришга қодир авлод бўлиши мумкин.

Бунда ёшларга хос ижтимоий хусусиятлар, улардаги жисмоний ва маънавий ўзгаришлар, эмоционал ҳолатлар ва хулқ-атвор билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қарати ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мос турлитуман ўқувлар ва машғулотлар, ташвиқот ва тарғибот тадбирлари, хилма-хил кўринишдаги акциялар ва реклама кампаниялари тизимидан муайян дастур ва режалар асосида мажмуавий тарзда фойдаланиш маънавий таъсирнинг кенг тарқалган воситаси сифатида ҳозиргача ҳам кенг қўлланган ва бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Бугунги кунда ушбу йўналишдаги вазифаларни бажаришда бошқа кўплаб давлат идоралари қатори, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги масъулиятини янада ошириш, давлат ҳокимияти, жумладан, маҳаллий бошқарув органларининг оила, мактаб, фуқаролик институтлари билан мазкур йўналишдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани асло бежиз эмас. Тажриба ёшларнинг ана шу хилма-хилликка мос ижтимоий-иқтисодий манфаатларини турли давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар воситасиз самарали ҳимоялаш, мавжуд муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш қийинлигидан далолат беради.

Хуллас, ҳозирги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида ёшлар билан ишлашда барча ташкилотлар ва

муассасаларолдига бутунлай янги вазифалар қўйилмоқда. Янги жамият ва демократик давлат қуришнинг стратегик мақсадлари улар фаолиятининг асосий йўналишларини инсон ҳақ-хуқуқларини ва унинг фаровонлигини таъминлашга қаратишни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фаолияти ёшларга доир сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча кишиларнинг янгича қарашларга эга бўлишини, замонавий иш усулларини эгаллашни, ўз бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис этиши лозимлигини англатади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқотимиз матни ушбу кенг қамровли фаолиятнинг барча йўналишларини қараб олиш имконини бермаса-да, унинг бир ёки бир неча жабҳасига доир маълумотларни қисқа таҳлили ҳам умумий холосага келиш учун асос бўлади. Бу ўз навбатида, ҳозирги даврда жисмонан етук ва маънан баркамол ёш авлодни вояга етказишида маънавий омилларнинг таъсирчанлигини янада ошириш, уларнинг самарасини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ мавзуни чуқур ўрганиш, шу асосда амалиёт учун зарур бўлган холоса ва таклифларни ишлаб чиқиш вазифаларининг ниҳоятда долзарблашиб бораётганидан далолат беради.

### **Таълим соҳасидаги стратегиянинг мазмuni ва намоён бўлиш жиҳатлари**

Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб, вояга етказишига интилиш Ўзбек халқининг миллий хусусиятидир. Мустақиллик баркамол инсонларни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Ўз ватанининг тақдиди, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси мамлакатимиз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалага айланган эди. Шунинг учун ҳам баркамол инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, маънавий-ташкилий вазифалар давлатимиз сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиш иэтиб белгиланди.

Янги жамият сари демократик принципларни амалга ошириш орқали илдамлаётган давлатимиз учун ёшларнинг маънавий баркамол бўлиб тарбияланиши муҳим стратегик аҳамият касб этади. Чунки демографик нуқтайи назардан қараганда, мамлакатимиздаги 18

миллион нафардан ортиқ ёшлар яқин келажақда давлат ва жамият бошқарувини ўз зиммасига оладилар. Бу жараёнда ҳатто бугун уларнинг маълум қисми иштирок ҳам этмоқда. Табиийки, улар бугун қайси ғоя руҳида тарбия топсалар, фаолиятларини ҳам шу ғоя асосида олиб борадилар. Таъкидлаш жоизки, ўсиб келаётган ёш авлод миллий ғоя асосида тарбия топса, мамлакат келажаги буюк бўлиши муқаррардир.

Ана шу мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда, 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжатларда, шунингдек, миллий дастурнинг иккинчи сифат босқичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш, уларнинг моддий техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларига мувофиқ раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги ҳаётий муаммолар кўндаланг қилиб қўйилган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг ёшлар ҳаётидаги ижтимоий фойдалилигини инобатга олиб, биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан жуда катта ишонч ва умид билан «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат» деган фикр айтилди ва бутун халқ бу эзгу фикрни қўллаб-қувватлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимиизда таълим ислоҳотини ўтказишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг вазифалари, дастурини рўёбга чиқариш босқичлари, кадр-лар тайёрлашнинг миллий модели асослаб берилди.

Мазкур дастурнинг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишdir<sup>3</sup>.

Дастурнинг стратегик мақсади шахснинг ижодий шаклланиши ва жамият тараққиётининг барча босқичлари учун малакали,

<sup>3</sup> Қаранг: Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.:Шарқ, 1997.- 40-41-бетлар.

рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим кафолати бўлган таълим тизимини мукаммаллаштириш ва ривожлантиришdir. 2004 йил 9 июлда “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Мазкур фармойишда умумий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш кўзда тутилган бўлиб, асосий диққат ва эътиборни таълим муассасаларининг биноларини капитал реконструкциялаш, мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш, таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилди<sup>14</sup>”

“Ушбу дастурга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустахкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллашти-риш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда<sup>15</sup>.

“Таълим соҳасидаги миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этишбошланганидан кейинги ўн йил 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаблари янгидан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди, мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юритида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим ола бошлади.

Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Асосий диққат-эътибор жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш ва бунинг учун шарт-шароит яратишга қаратилди ҳамда

<sup>14</sup> Қаранг: “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.- Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.-2004.-28(112)-сон.-5-8-бетлар.

<sup>15</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. –Б. 61

умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажralmas қисми деб белгилаб қўйилди. 2008 йилга «Ёшлар йили», 2010 йилга «Баркамол авлод йили», 2010 йилга “Соғлом бола йили”, 2016 йилга эса “Соғлом она ва бола йили”, деб ном берилиши шу мақсадларни амалга ошириш учун қўйилган муҳим қадамлардир.

Бу борадаги долзарб масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларининг ижросини янги босқичга кўтариш, марказ ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини оширишга ҳаракат қилинди. Таъкидлаш зарурки, мазкур йўналишда йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кундаги ўткир муаммолардан яна бири – ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлаш. Бу борада, авваламбор, қишлоқларимизда, кичик шаҳарларда истиқомат қилаётган ўғил-қизларимизни муносиб иш билан таъминлашга, айниқса, армия сафлари – муддатли ҳарбий хизматдан қайтганларга эътиборни кучайтириш лозим. Кейинги йилларда бу масалада давлат идоралари билан биргалиқда қатор нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иш олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Ана шундай ҳамкорлик натижасида юртимизда ўтказилаётган «Ниҳол» ва “Зулфия” мукофоти танловлари, «Янги авлод» ва «Келажак овози» кўрик-танловлари минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этмоқда. Ёшларимизнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш мақсадида янги йилда республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури ишлаб чиқилди. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оммавий жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш устувор йўналишлардан бирига айланди. Ўқувчи ва талабалар учун уч босқичли спорт ўйинлари – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада"лар тобора кўпроқ оммавий кўлам касб этиб бормоқда.

Ёшлар камолоти ҳақида гапирганда, уни амалга оширишда ҳукумат томонидан уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишига ҳам алоҳида эътибор берилиб келинаётганини таъкидлаш лозим.

Жумладан, умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг бепул ўқув қуроллари билан таъминланиши, ишсиз ёшларни меҳнат биржалари орқали касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва иш билан банд қилиш, кам таъминланган оила фарзандлари, ногиронлар ва меҳрибонлик уйларидағи болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа ўнлаб тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, қонунда ёшларнинг таълим олиши, халқаро алоқаларда иштироки муҳофаза қилиниши, вояга етмаганлар билан ишлаш, истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари хусусида баъзи меъёрлар белгилаб олинди.

Ёшларнинг чет эл таълим муассасаларида ўқиши, малакасини ошириши, ишлаши, халқаро спорт ва бошқа мусобақалар, танловлар, олимпиадаларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу борада ёшларнинг улкан ютуқларни қўлга киритиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик каби соҳаларида иштирок этиб, унинг ривожи учун ўз ҳиссасини қўшиб келаётгани юқоридаги тадбирлар меваси десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистондаги мавжуд барча сиёсий партияларнинг Дастурларида ёшлар сиёсатига эътибор қаратилган. Уларнинг ёшлар қатламига муносабатида умумий жиҳатлар бўлгани ҳолда, партиялар Дастурларида уларнинг ўз сиёсий платформаларига хос мақсад ва вазифалар ҳам белгиланганлигини қайд этиш лозим. Мисол учун, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармөнлик қўникмаларини шакллантиришни, ёш тадбиркор ва фермерларга шарт-шароит яратиб беришни асосий вазифаларидан деб билади. Бу вазифа партиянинг мулкдорлар қатламига таянишидан келиб чиққани табиий ҳолдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ҳам сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштироки ва таъсирини кескин кучайтирди. 2008 йил 1 январдан кучга кирган қонун орқали партиялар нафақат парламентдаги ўз фракциялари, балки жойлардаги маҳаллий депутатлик грухлари воситасида ҳам ёшларнинг мавжуд ижтимоий-иктисодий муаммоларини бартараф этиш ва ёшларга оид сиёсатнинг жойлардаги ижросини таъминлаш борасида кучли таъсирга эга бўладилар. Шу каби жиҳатлари ва алоҳида ҳуқуқларга

эгалигига кўра, бемалол айтиш мумкинки, сиёсий партиялар ёшларнинг сиёсий ҳаётдаги ва давлат бошқарувидаги иштирокини таъминловчи асосий демократик воситадир. Ҳеч бир жамоат ташкилоти партиялар каби ёшларни сиёсий жараёнларга жалб этолмайди. Ёшларнинг сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиши эса, уларда сиёсий кўникма ва қарашлар ривожланиши ҳамда шунинг воситасида ёш истиқболли кадрларни сиёсий элитага тайёрлаш имконини оширади.

Сиёсий партияларимиз айни вақтда ёшларга оид ўз сиёсатини “Ёшлар қаноти”, “Ёшлар кенгаши” каби тузилмалар воситасида амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар тизимида жамоатчилик асосида иш юритадиган турли ёшлар клублари, кенгашлари (масалан, ЎзХДП Марказий Кенгаши қошида “Истиқбол” ёшлар клуби, “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши қошида “Ёшлар Кенгаши”) шаклланди. 2003 йилнинг 15 ноябрида Ўзбекистон сиёсий саҳнасига янги сиёсий куч – “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси” кириб келди. Орадан кўп фурсат ўтмай – 2004 йилнинг январь ойида сиёсий партиялар орасида илк бор ЎзЛиДeP тизимида “Ёшлар қаноти” фаолияти штат бирликлари асосида ташкил этилди. Кейинчалик бу амалиёт бошқа партиялар тизимига ҳам кириб борди. Жумладан, 2006 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Истиқбол” ёшлар қаноти” ташкил этилди. Ҳозирда деярли барча сиёсий партияларда ёшлар тузилмалари фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда ёшларимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори ўсиб, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга имконият яратиб бермоқда. Лекин бундан маънавият соҳасида ҳеч қандай муаммо йўқ, деган хулоса чиқариб бўлмайди.

Ёшларнинг интеллектуал қобилиятлари ва имкониятларини юзага чиқариш муаммоси, уларни маънавий камол топтириш, меҳнат фаолиятида шахсий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш, Ватан тараққиёти эҳтиёжларини англаб яшашга, самарали меҳнат қилишга ўргатиш, ижтимоий фаоллигини ошириш жамиятимиз олдига муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда. Ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида фаол қатнашувини рағбатлантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий, ғоявий-назарий салоҳиятларини ўстириш учун зарур шароитлар яратиб бериш,

ёшлар маънавий руҳиятининг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Афсуски, ёшлар орасида баъзи бузғунчи ғоялар омиллар таъсири остида қолганлар ҳам учраб турибди. Уларнинг баъзиларига лоқайдлик, тушкунлик кайфиятлари, ҳаётидан норозилик ёки бутунлай бефарқ бўлиш, томошабин ва кузатувчига айланиш ҳолатлари ҳам хос. Аксарият ҳолатларда бундай ёшлар психологик жиҳатдан жуда заиф, барчага ишонувчан ва ҳаддан ташқари эмоционал бўладилар. Айнан шундай ёшлардан турли ғаразли ниятларда изғиб юрган кучлар фойдаланишга уринадилар.

Улар таъсирида бугунги кунда айрим ёшларимизнинг қадриятлар тизимида етарли даражадаги моддий таъминот, оиласвий ҳаловат ва комфорт, соғлиқ кабилар биринчи ўринни эгаллайди. Маънавий-маданий бойлик ва ижтимоий-сиёсий фаоллик эса энг охирги ўринга қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам, ёшларнинг ижтимоийлашуви ва улғайиши, жамиятда ўзининг муносиб ўринларини топиши, турли мафкуравий тажовузларга бардош беришлари, ниҳоят, жамият ижтимоий амалиётига тезроқ фаол куч сифатида кириб бориши учун уларнинг маънавиятини юксалтириш, билим ва таффаккурини кенгайтириш, қобилият ва имкониятларини намойиш этиши учун муносиб бўлган шарт-шароитларни яратишга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас.

Баъзи ёшларга кимнидир ўзи учун қаҳрамон (идеал), деб билиш, ахлоқан, маънан унга ўхшаб юришлик ҳам хос. Айрим ёшлар “вестерн”лардаги қаҳрамонларга, бошқалари эса видеотриллердаги Рэмбога ўхшашга ҳаракат қилсалар, қизларга бразилияликларнинг ҳаёти маъқул. Аммо танланган идеаллар ҳамма вақт ҳам инсонни руҳий поклик ва маънавий бойлик сари етакламайди. Аксинча, аксарият ҳолатларда, бундай интилишлар ёшларда прагматизм, шафқатсизлик, маънавий қашшоқлик ва моддий бойликка интилишни уйғотишга олиб келади.

Ёшлар табиатига кўра, турли қизиқишлиар ва турли тоифаларга бўлинадилар. Уларга бир хилда қараш ва бир хилдаги муносабатда бўлиш ҳамма вақтда ҳам керакли самарани беролмайди. Шунинг учун ёшларга доир фаолият стратегиясини такомиллаштириш ва унга мувофиқ барча ишларни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни

қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган ишлар, яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган кўплаб ёшларимиз 1995-2011 йиллар давомида кимё, биология, физика, математика, информатика ва рус тили фанларидан халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, 20 та олтин, 49 та кумуш ва 175 та бронза, жами 244 та медални қўлга киритдилар.

Ҳар бир инсон меҳнатининг самарасини кўришни орзу қилади. Юртимиизда олиб борилган кенг кўламли ишлар қисқа фурсатлар ичида ўз самарасини кўрсатмоқда. 1991 йилда республикада халқ таълими тизимидағи барча спорт иншоотлари, мактаб спорт заллари ва сузиш ҳавзалари сони 5490 тани ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 7777 тага ортди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган давр мобайнида жами 1 204 та спорт иншооти, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси томонидан эса жами 3690 та мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилди. Яратилган шарт-шароит ва имкониялар боис спорт билан шуғулланиш истагидаги ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Буни бугунги кунда спорт билан шуғулланаётган ўғил-қизлар сонининг 1991 йилга нисбатан қарийб ўн баробарга ошиб, 1 615 103 нафарга етганида ҳам кўриш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, спорт қизлар орасида ҳам тобора оммалашмоқда. Айни дамда 700 минг нафардан зиёд қизлар спортнинг кўпгина турлари бўйича машғулотларда доимий иштирок этмоқдалар.

Мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти ҳам давлатимиз раҳбарининг назаридан четда қолган эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлидаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши ушбу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мавжуд 301 та болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 2 та республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида 44560 нафар ўқувчига 7445 нафар малакали ўқитувчи ва концертмейстер 13 ўналиш бўйича таълим бериб келмоқда.

Шу асосда 2009-2010 йилларда 52 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди, 139 номдаги замонавий ва миллий мусиқа чолғу асбоблари, мебел ва ускуналар билан таъминланди. Бундан ташқари, турли номдаги ўзбек ва жаҳон композиторлари ҳамда муаллифларининг асаллари, ўқув қўлланма ва

ноталари, жами 35440 нусхадаги манба харид қилиниб, болалар мусиқа ва санъат мактабларига етказиб берилди.

Мустақиллик араfasидаёқ юртимизда таълим масканлари, шунингдек, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг ҳаққонийлигини мустақиллик йиллари тўла исботлади.

Хуллас, истиқлол йилларида Ўзбекистон давлати фаолиятининг энг устувор стратегик йўналишларидан бири баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш бу борадаги фаолиятнинг стратегик мақсади ҳисобланади.

Ҳозирги кунда давлатимиз бор куч-қудратини демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятинис қуришга йўналтирган. Мустақилликни мустаҳкамлаш биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклигига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англақ олганликларига ҳам бевосита боғлиқ. Мустақил фикрлай оладиган, дунёқараши ва тафаккури кенг ҳақиқий инсонлар давлатимиз тақдирини ҳал қиласидар. Шунинг учун ҳам келажакка муносиб маънавий бой ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим муаммолари сирасига киради.

Сўнгги йилларда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу борада уларда шаклланаётган ижтимоий ва мафкуравий тушунча ва ғояларнинг аҳамияти каттадир. Ёшлар тафаккурида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу муҳим масала бўйича Н. Алижонова таъкидлаганидек, ёш авлод муқаррар равишда улғаяди, ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди, рўй бераётган жараёнларга муайян таъсирини ўтказади ва шу тариқа, жамиятни ривожлантириш ва уни янгилашнинг муҳим таянчи ҳамда зарур ижтимоий омилларидан бири бўлиб вояга етади. Шу маънода, бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига ушбу

соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳам мазкур жабҳадаги эзгу интилишларнинг мантиқий довоми бўлмоқда, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ни 2017 йил 7 февралда имзоланган Фармони ва у билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида акс этган ва бевосита ёшлар тарбиясига бағишлиланган ғояларининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ҳам буни яққол исботлайди.

## **Таълим тизимининг такомиллашуви ва ёш авлод камолоти**

Маълумки, мамлакатимиз ёш авлодининг катта қисми таълим тизими билан қамраб олинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-сентабрда қабул қилинган “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ва “Халқ таълим министри бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорлари ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асослар доирасини янада кенгайтиради албатта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 – январда қабул қилган Фармони тўғрисида ҳам ана шундай дейиш мумкин.

Ушбу тизимда олий таълим босқичи ниҳоятда муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир ёшларни тарбиялашда олий таълим соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилади, пировард нптижада, мамлакат ва халқ манфаатларини рўёбга чиқаришга қодир бўлган ёш авлод шакллантирилади. Кейинги йилларда ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, олий таълим тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли

Қарори, 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалариға кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш түғрисида”ги ПҚ-3290-сонли Қарори каби мұхим ҳужжатлар қабул қилингани бу соҳада мұхим янгиланишлар рўй берәётганининг яққол мисолидир.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида бу соҳада ҳам чуқур мазмундаги ислоҳотлар олиб борилмоқда, олий таълим тизими ва ундаги тарбиявий жараёнлар янги босқичга кўтарилимоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” ги Қарори бунинг яққол мисолидир.

Ана шу соҳадаги долзарб вазифаларни тўғри идрок қилиш ва ўз вақтида бажариш учун мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган туб ўзгаришларни амалга оширишда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг Қарорлари ва Фармонлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилган мажлисдаги нутқи билан бирга Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маънавий-маърифий масалалар бўйича қабул қилган ҳужжатларини талабаларга ўз вақтида етказиш ва уларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаши алоҳида аҳамият касб этади, албатта.

Маълумки, мамлакатимизда энг кичик ёшларга ҳам давлат ғамхўрлиги мактабгача таълим соҳасидаги бутун фаолиятни қамраб олади ва бу борадаги ишлар узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланадиган ушбу соҳанинг ривожига катта таъсир кўрсатади. Мактабгача таълим соҳасида миллий ғоянинг институаллшуви ва субстанционаллашувига катта таъсир кўрсатаётган мазкур тизим оила ва бошқа таълим-тарбия соҳаси ташкилотлари билан бирга юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни, мактабгача бўлган кичик болаларни тарбиялаш ва уларни мактабга тайёрлаш учун тизимли фаолият олиб боради.

Мутақиллик йилларида бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилишига қарамасдан, “...ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси

етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда”<sup>16</sup> дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-сентабрда қабул қилинган “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида. Ушбу Фармонда алоҳида таъкидланганидек, сўнгги 20-йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этади.

Фармонда алоҳида таъкидланганидек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди. Мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тараққий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф муҳит билан танишувга йўналтирилган маҳсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган. Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта маҳсус маълумотга эга бўлиб, бу болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.<sup>17</sup>

Ана шу қайд этилган камчиликларга барҳам бериш учун қабул қилинган “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони билан, “узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-сентабрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 3 - октябрь, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

<sup>17</sup> “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 3 - октябрь, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

интеллектуал, маънавий-естетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари" ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, улар орасида мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асносида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида аҳамият бериш лозимлиги таъкидланган.

Ушбу таъкидланганлар бўйича фаолиятни тизимли ташкил қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-йил 16-август куни ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, тизимнинг бошқарув тузилмасини ташкил этиш, мактабгача таълим муассасаларига 5-6 ёшли болаларни 100 фоиз қамраб олиш чораларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қарорда кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига шарҳда таъкидланганидек, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мактабгача таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражасини янада юксалтириш ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мактабгача таълим қисми бўйича амалга оширишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш бу йўналишдаги устивор вазифалар сирасига киради.

Ана шу вазифалар яна ўқув-тарбия жараёнига ўқитишинин замонавий илфор шаклларини, янги педагогик ва ахборо технологияларини, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усулларин жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларида ёш болаларни милли ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавия руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик, милли ўзликни англаш ғояларини янада чуқур сингдириш, “оммавий маданият кўринишидаги ёт ғояларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашг йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни тақазо қилади.

Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, педагог ва раҳбар ходимларнинг малакасин ошириш жараёнини самарали ташкил этиш, бунда замонавий педагоги ва ахборот технологияларидан, хорижий мамлакатларнинг илғо тажрибасидан фойдаланиш, таълим муассасаларини юқори малакалы замонавий билимга эга кадрлар билан таъминлаш ҳам ушб йўналишдаги фаолиятнинг таркибий қисмидир. Бу ўз навбатида, мазмуга сифат жиҳатидан замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув в ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш, мактабгача таълим муассасаларида давлат талаблари бажарилишининг тизимли мониторингини олиб бориш, мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги эришган ютуқларини халқаро даражада кенг тарғиб қилиш, нодавла мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш ҳам б соҳадаги муҳим вазифалар сирасига киради.<sup>18</sup>

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 сентябрд қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Таълим ва тиббиё муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молияви назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” Қарорлар ҳамда «Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 марта қабул қилинган “Умуми-

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига шарҳ. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 3 - октябрь, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ва 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 21 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори,<sup>19</sup> “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари эса мазкур йўналишдаги ислоҳотларни амалга ошириш бўйича фаолиятнинг давомли жараён сифатида тизимли ташкил килинганини яққол исботлайди.

Биз асрлар давомида шаклланган миллий ғоянинг ажралмас таркибий қисми бўлган комил инсонни тарбиялаш, баркамол авлодни вояга етказишнинг мактабгача таълим билан боғлик бугунги кундаги институционаллашув жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни диссертациямизнинг 2 бобининг 2 қисмida атрофлича баён қилдик.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш жоизки, таълимининг узвий қисми ва мактабгача таълимдан юқори босқич бўлган халқ таълими ва олий таълим тизими ҳам ўсмирлар қалби ва онига миллий ғоя ва унинг тамойилларини сингдиришнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Ушбу таълим босқичлари мактаб ва олий таълим ёшидаги болалар ва ўсмирларнинг таълим-тарбиясини бошқаришнинг самарали механизmlарини жорий этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимининг инноватсион шакллари ва усусларини қўллашга кўмаклашади.<sup>20</sup>

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5-сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорда таъкидлангани

---

<sup>19</sup>“Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - [www.xs.uz](http://www.xs.uz). 2017 йил 21 апрель, №79( 6773)

<sup>20</sup> “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 6 - сентябр 2018, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

каби, мазкур соҳадаги ишлар ҳолатини танқидий таҳлил қилиш халқ та'лими тизими бошқарувини ташкил этиш, давлат умумий ўрта та'лим муассасаларининг фаолиятини амалий жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштиришда бир қатор муаммолар ва камчиликлар мавжуд.

Холбуки, мамлакатимиздаги мавжуд умумтаълим муассасалари ва ушбу муассасалардаги ўқувчилар ва ўқитувчилар сони ҳамла салмоғи ниҳоятда катта ва бу омилнинг жамиятимиз ҳаёти ва миллий ғоя амалиётидаги аҳамияти ниҳоятда катта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5-сентябрдаги “Халқ таълим мини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида юқорида сони ва салмоғи аниқ рақамларда кўрсатилган умумтаълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш, шу орқали халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш, ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг янги механизмларини ва сифат стандартларини жорий этиш, жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини оширишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Мазкур қарорда ушбу соҳадаги долзарб вазифаларни бажариш учун умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур йўналишдаги вазифалари, функсиялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш кабилар халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, Қарорда халқ таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни ва ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитларни яратиш, зарур ташкилий-хукуқий ва техник-иктисодий шароитларни яратиш йўли билан умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида нодавлат хизматларни кўрсатишга оид фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда – нодавлат умумтаълим ташкилотлари) тармог'ини янада ривожлантириш, ушбу соҳага давлат-хусусий шерикликнинг турли шаклларини самарали

жорий этиш билан боғлиқ устивор йўналишлар ҳам белгилаб берилган. Халқ таълими тизимиға илғор хорижий тажрибани, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни, шу жумладан, таълим беришнинг инноватсион усусларини жорий этиш, ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлодини яратиш, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш ҳам Қарорда кўзда тутилган устивор йўналишлар қаторига киради.<sup>21</sup>

Мамлакатимизда кейинги йилларда касб-хунар таълимини ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилди. Буларни қайд этиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига шарҳ“да яна бир бор таъкидланганидек ислоҳотлар амалга оширилган йилларда умумий ўрта, шунингдек, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш, 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳозирги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва тубдан ислоҳ қилишга муҳтож эканлигини кўрсатди.<sup>22</sup>

Ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш, илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, мавжуд касб-хунар коллежларининг моддий базасидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарга идоравий бўйсунувчи касб-хунар коллежларида малакали ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳоли барча қатламларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва бандлигини ошириш мақсадида 2017 йил 25 – январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-

<sup>21</sup> “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 6 - сентябр 2018, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

<sup>22</sup> “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига шарҳ. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 26 - январ 2018, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонда умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ривожланишини таҳлил қилиш натижалари тизимда муайян камчиликлар борлигидан далолат беради. Бунда аввало, касб-хунар коллежлари аҳоли яшаш жойларига яқин бўлмаган масофада жойлаштирилганлиги, айниқса, ҳудудларда транспорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда об-ҳаво шароитлари туфайли ўқувчиларнинг вақти-вақти билан оммавий равишда дарс машғулотларини қолдиришларига сабаб бўлаётгани қайд әтилган. Касб-хунар коллежлари моддий-техник жиҳозланишининг ўртача даражаси атиги 56 фоизни ташкил этиши, 31 та касб-хунар коллежида ўқув устахоналари умуман мавжуд эмаслиги ва уларнинг моддий-техника базасини шакллантиришнинг мавжуд амалиёти мазкур таълим йўналишларига жавоб бермаслиги ҳам бу борадаги умумий камчиликлардан бўлиб ҳисобланади.<sup>23</sup>

Фармонга кўра, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизимига ўтилиши жамоатчилик, отаоналар ва 9-синфлар битирувчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланди. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-хунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгacha бўлган ўқитиш муддатларида амалга ошириладиган бўлди.<sup>24</sup>

Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши мавжуд касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, малакали ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва умуман касб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш имконини беради.

Шу билан бирга, Фармонда кўзда тутилганидек, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб, ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга, шунингдек, ўқувчиларда бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миллий ва умуминсоний

<sup>23</sup> "Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига шарҳ. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 26 - январ 2018, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

<sup>24</sup> Ўша манба.

қадриятларга асосланган маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи янги педагогик шакллар ва усуллар асосида ташкил этишга хизмат қилади.

Бу жабҳада яна, давлат томонидан бугунги кунда амалга оширилаётган ишларнинг исботи сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори, 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сонли Қарори каби ўзининг алоҳида маънавий-маърифий мазмун-моҳиятига ва институционал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар қабул қилинганини мисол тарзида кўрсатиш мумкин.

Маълумки, мамлакатимиздаги мавжуд олий таълим муассасалари таълим билан бирга, тарбия соҳасидаги умумий педагогик фаолиятдан ташқари, маънавий-маърифий ишлар, яъни кенг фикрли, замонавий тафаккурга эга, юксак иқтидорли ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу соҳада ОТМлардаги маънавий-маърифий ишларнинг асосий мақсади юксак маънавият тамоиллари ва миллий қадриятларга садоқат билан ҳизмат қиладиган, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир ёшларни тарбиялашга қаратилган, дейиш учун барча асослар бор.<sup>25</sup>

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида бу соҳада ҳам чуқур мазмундаги ислоҳотлар олиб борилмоқда, миллий ғоя тарғиботи янги босқичга кўтарилимоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори бунинг яққол мисолидир. Мазкур қарорга кўра, ОТМларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозими ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректори лавозими жорий этилгани ва ғоявий тарбия масалалари билан шуғулланиш унинг хизмат фаолиятининг

<sup>25</sup> Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. Республика маънавият ва маърифат маркази. – Т.: Ўзбекистон, 2006. –Б.45.

таркибий қисмига айлангани ҳам фикримизнинг далилидир.<sup>26</sup>

Шу билан бирга, фан ва технологияларнинг замонавий ютуқлари билан талаба ёшларни, ёш олим ва профессор-ўқитувчиларни тизимли таништириш учун халқаро ва маҳаллий илмий-техник ахборот базалари, хорижий ва миллий даврий илмий нашрлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш, ёшларнинг илмий-тадқиқот фаолият олиб бориши учун илмий мунозара-клублар, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш гуруҳларини шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун тегишли шароитларни яратиш кабилар ҳам республикамиз ОТМларининг фаолият доирасига киради.

Айни пайтда, фанларнинг замонавий тенденциялари, илмий-техник муаммолари бўйича ёшларни тадқиқот ишларига жалб этиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек долзарб мавзуларда илмий-амалий конференция ва семинарлар, илмий-маърифий йўналишдаги танловлар ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятда ОТМлар кенг қамровли фаолият олиб бормоқдалар. Олий таълим тизимида миллий ғоя таъсирчанлигини ошириш ва ғоявий тарбиянинг имкониятларини янада кучайтиришга қаратилган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Талabalар илмий-маърифий марказини ташкил қилиш ҳақидаги 697-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу соҳада барча олий ўқув юртлари учун умумий мезонлар асосида шаклланадиган дастурларда назарда тутиладиган кенгқамровли фаолият йўналишлари юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг мазмун-моҳияти, ҳозирги даврда халқимизнинг қандай ислоҳотлар ва амалий чора-тадбирларни амалга ошираётгани билан узвий боғлиқ экани шубҳасиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида туб бурилиш юз берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда” деган

<sup>26</sup> “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.- <http://uza.uz/oz/documents> oliy-talim-muassasalarida-talim-sifatini-oshirish.

фикри ана шу жараённинг мазмун-моҳиятини яққол ифодалайди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда бу соҳадаги ўзгаришлар ва янгиланишлар, хусусан 2017 йилда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилиши, 2016 йилда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ўтган йилларда бу соҳада тадрижий ва тизимли тарзда амалга оширилган туб ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Бу ўз навбатида, бугунги кунга келиб янгича дунёқараш ва демократик тафаккурга эга бўлган ёшларнинг янги авлоди шаклланиши учун мустаҳкам таянчга айланиши жараёнини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилиш ва бу борадаги тажрибаларни умумлаштиришни долзарб масалалардан бирига айлантирди.

Ёшлар камолоти ҳақида гапирганда, уни амалга оширишда ҳукумат томонидан уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишига ҳам алоҳида эътибор берилиб келинаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг бепул ўқув қуроллари билан таъминланиши, ишсиз ёшларни меҳнат биржалари орқали касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва иш билан банд қилиш, кам таъминланган оила фарзандлари, ногиронлар ва меҳрибонлик уйларидаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа ўнлаб тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, қонунда ёшларнинг таълим олиши, халқаро алоқалардаги иштирокининг муҳофаза қилиниши, вояга етмаганлар билан ишлаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари хусусида баъзи меъёрлар белгилаб олинди.

Ёшларнинг чет эл таълим муассасаларида ўқиши, малакасини ошириши, ишлаши, халқаро спорт ва бошқа мусобақалар, танловлар, олимпиадаларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу борада ёшларнинг улкан ютуқларни қўлга киритиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик каби соҳаларида иштирок этиб, унинг ривожи учун ўз ҳиссасини қўшиб келаётгани юқоридаги тадбирлар меваси десак, муболаға бўлмайди.

**Етук мутахассислар тайёрлаш – давр талаби**

Ота боболаримизнинг азалий макони бўлган Ўзбекистонимизда энг қадим замонлардан бугунги кунгача инсон ҳаёти учун зарур бўлган соҳалар сув билан боғлиқ ҳолда шакллангани ва ривожлангани маълум. Жуда қадимги даврлардан бошлаб, Марказий Осиёда, айниқса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида суформа дәхқончилик ривожланди, сув иншоотларини қуриш асосида ирригация техникасининг бой ва диккатга сазовор тажрибаси пайдо бўлди. Ўзбекистон ирригацияси тарихида қадимги гидротехник иншоотлар алоҳида ўринни эгаллайди, улар бизнинг давргача сақланиб қолган ота-боболаримиз томонидан яратилган моддий ва маданий ёдгорликлар бўлиб, бизнинг кунларгача сақланиб етиб келгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини шакллантирган XX аср бошларидағи маърифий муҳит салафларининг асосий мақсади жамиятни ўрта асрчилик иллатлари, маданий қолоқлик ва мустамлака зулмидан, хурофотдан озод қилиш, халқни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиши билан боғлиқ эди.

Ўз навбатида, буларнинг барчаси 1920 йил 7 сентябрда Тошкент шаҳрида Туркистон давлат университетини (ТДУни) ташкил этиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши учун муҳим туртки бўлганидан далолат беради. Ўша давр шароити ва талабларига мос йирик олий ўқув юрти ҳисобланган ТДУ таркибида мавжуд бўлган 8 факультет орасида қишлоқ хўжалиги ва техника факультетлари фаолият кўрсатгани эса, сал кейинроқ ТИҚҲММИ шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлгани шубҳасиз.

Маълумки, институт вужудга келган илк йиллардан 1990 йиллар бошигача Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлди ва бу нафақат республикамиз, балки институт ҳаёти ва фаолиятида ҳам муайян из қолдирди, албатта.

1920 йил 7 сентябрда Тошкент шаҳрида ташкилд этилган Туркистон давлат университетинининг қишлоқ хўжалиги ва техника факультетлари асосида ТИҚҲММИнинг шаклланиши муайян даврни талаб қиласиз.

1923 йил бошларида университетнинг техника факультети муҳандис- мелиораторлар факультетига айлантирилди. 1923-24 ўқув йилида биринчи мутахассислар тайёрланди. Қишлоқ хўжалиги факультетини 24 киши, муҳандис-мелиоратор соҳаси бўйича 16 киши тамомлади.

1930 йили ЎОДУ-Ўрта Осиё давлат университети қишлоқ хўжалиги факультетининг машинасозлик бўлими қайта ташкил этилди ва қишлоқ хўжалиги институти қошида қишлоқ хўжалигини механизациялашириш факультети таркиб топди, 1931 йили апрель ойидан бошлаб, ЎОПТИ (Ўрта Осиё политехника институти)нинг сув

хўжалиги факультети ажралиб чиқди ва Ўрта Осиё сув хўжалиги муҳандислари институтига айланди.

1934 йил 17 сентябрда Ўрта Осиё ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу институт Ўрта Осиё ирригация муҳандис-техник институти ва Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтларининг қўшилиши натижасида юзага келди.

Бу мураккаб ташкилий жараёнда ирригация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорация соҳасида етук мутахасисларни тайёрлашга қодир бўлган олий таълим даргоҳининг вужудга келиши учун бир неча йиллар керак бўлди.

1990 йил бошларига келиб институтдаги 50та кафедрада 544 нафар профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлар фаолият олиб борар эдилар. Улардан 40 нафари фан докторлари ва профессорлар 376 нафари фан номзодлари ва доцентлар, 4 нафари “Ўзбекистон хизмат кўрсатган фан ва техника арбоблари”, 20 нафари хизмат кўрсатган ирригатор, механизатор, ер тузувчи, ҳалқ таълим ва маданият ходими деган фахрий унвонлар соҳиблари эдилар.

Мамлакатимизнинг 1991 йилда мустақил давлат бўлиб тараққий этиши муносабати билан ўтган йиллар мобайнида республика ҳаётида чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ўзгаришлар рўй берди. Бундай жиддий аҳамиятга молик ўзгаришлар ва янгиланишлар ТИҚҲММИ ҳаётида ҳам кескин бурилиш, янги давр шаклланиши учун асос бўлди. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврининг дастлабки йилларидағи баъзи иқтисодий қийинчиликларга қарамай, институт қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси бўйича муҳандис ходимлар-мутахассислар тайёрлашда кўплаб ижобий натижаларга эришди. Ўқув фаолияти ва лабораториялар учун зарур бўлган тўққиз қаватли бино қурилиб, ишга туширилди, 21400 ўринли беш ётоқхона, 221 хонали тўртта яшаш уйлари, 500 киши овқатланадиган ошхоналар қурилди.

Институт замонавий ўқув ва илмий-тажриба, моддий манбага, умумий фойдаланиладиган майдони 110 минг кв.м. бўлган ҳашаматли ўқув-амалий бўлинмалари жойлашган биноларга эга бўлди. Ана шу тажриба лабораториялари бугунги кун талабига жавоб бера оладиган асбоб-ускуналар бадан жиҳозланган. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида ҳозирги замон компьютер тизими қўлланила бошлади. Талабаларнинг ҳар томонлама, умумилмий ва маҳсус тайёргарликларини яхшилаш мақсадида 1991 йили умуммуҳандислик ўқув маркази (УМЎМ), Ирригация ва механизация тармоги бўйича ўқув-илмий марказлари ташкил топди. Марказлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаштириш, ер тузилиши, сув хўжалигини иқтисодий

ташкил этиш факультетлари тузилди.

Ўрта бўғин мутахассисларига бўлган эҳтисж катта бўлганлиги сабабли институтимизда 1992 йили фермерлар тайёrlайдиган маҳсус бўлим ташкил этилди. Дастрлабки ўн йил ичида 14 мутахассислик бўйича 876 аспирант аспирантурада ўқиди. Ҳозирги кунда илмий даража олиш учун 105 аспиранлар, шу жумладан 8 чет мамлакатдан келган 22 киши бу ерда тайёргарлик кўрди. 1993 йили ТИҚҲММИ қошида "Интернешнл-Хаус-Ўзбекистон" (ИХУ) деб номланган янги йўналишдаги умумтаълим мактаби ташкил этилди.

1994 йилда институтдаги 50 кафедрада фаолият кўрсатаётган олимлар қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида фан-техника жараёнини юксалтириш учун Илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бу кафедраларда 643 юқори малакали педагог фаолият кўрсатди. Профессор-ўқитувчилар таркибида 43 профессор, 319 фан номзодлари -доцентлар бор эди.

Ўша даврда институтда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг вице президенти Ш.У.Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик О.У.Салимов, академия мухбир аъзоси Р.Д.Матчанов, табиий фанлар академиясининг (ТФА) академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби С.И.Ибодуллаев, ҳамдўстлик мамлакатлари космонавтикасининг академиги Ғ.Ғ.Умаров, муҳандислик фанлари академиясининг академиги Ғ.Ш.Зокиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоблари - профессорлар А.А.Рачинский, С.Ш.Мирзаев, Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби профессор Ф.М.Рахимбоев ва бошқалар фаолият кўрсатдилар.

1993/94 ўқув йилида институтда билим олган 3900 нафар кундузги ва 3600 нафар сиртқи ўқиган талabalар дарсларини юқори илмий-назарий ва услубий савияда ўтказишга имкон берадиган замонавий ўқув ва илмий-тажриба марказига эга эдилар, у 110 минг м<sup>2</sup> майдондаги ноёб ўқув-лаборатория биноларга жойлашган. Кафедраларнинг ўқув ва лаборатория хоналари зарур асбоблар, жиҳозлар, ўлчов техникиси билан таъминланган эди. Замонавий ЭҲМдан тузилган тест синовлари ўтказиш ва ахборот маркази ўқув жараёнини аниқ ҳисоблар асосида уюштиришга хизмат қилди. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти институтнинг Тошкент вилолти Ўрта-Чирчиқ туманида жойлашган ўқув-тажриба хўжалигига ўтказилди. Бунда талabalар тракторчи, механих-ҳайдовчи, қурувчи, электрчи, созловчи ва бошқа касбларни ўргандилар.

Олий ўқув юртининг бундай юксак муваффақиятларга эришишига турли йилларда институт ректори лавозимида ишлаган проф. С.П.Пўлатов (1961-1978), проф. С.И.Искандаров (1978-1986), академик О.У.Салимов (1986-1992), ректор ўринбосари лавозимида ишлаган проф. А.Г.Останков, акад. О.В.Лебедев, проф. Ф.М.Рахимбоев,

захирадаги полковник М.И.Муродов, проф.В. А.Эм, проф. А.Р.Ражабов, проф. С. Ш.Мирзаев, ифд, профессор . Ў.П.Умурзоқов, проф. Э.Ф.Файзибоев, т.ф.д. М.К.Хамидов, доц. В.В.Алексеев, доц. М.И.Исмоиловлар ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

1991–2005 йиллар мобайнида институт профессор–педагогик жамоасининг асосий вазифаси «Таълим ҳақида» (1992 йил)ги, «Таълим тўғрисида» (1997 йил)ги қонунлар ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997 йил) ларни ҳаётга тадбиқ қилиш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоёй талабларга жавоб берувчи юқори малакали, раёбатбардош кадрлар тайёрлаш бўлди.

Бу даврда институтни янада тараққий эттиришда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги «Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ва «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисда»ги қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 ноябрдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 311-сонли қарорини ҳам институт ривожида катта аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

2016 йилга келиб институтда бакалавр таълим йўналишлари сони –18 та ва магистратура мутахассисликлари сони – 15 тага етди. Институт қошидаги Академик лицейлар сони- 2 та; Талабалар контингенти жами – 5058 та (шу жумладан қизлар -845), улардан: бакалавриатура – 4920 та; магистратура – 138 та; Республиканинг бошқа вилоятларидан келиб ўқиётганлар сони - 3816 (71,4 %). Охирги ўқув йили битирувчилари сони – бакалаврлар 1179 та ва магистрлар 138 та.(шу жумладан давлат гранти бўйича бакалавриатда 1120 (29,8%), магистратурада 37 (29,1 %)га ўсди. Билим соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш салмоғи: таълим – 5,3 %; ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ – 9,2 %; муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари – 20,1 %; қишлоқ ва сув хўжалиги – 59,3 %; хизматлар – 6,1 %, фан – 2 %.

Институт факультетлари сони 5 та кафедралари сони эса 31 та. Факультетларнинг номлари: Гидромелиорация; Гидротехника қурилиши; Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш; Ердан фойдаланиш ва ер кадастри; Иқтисодиёт ва менежмент. Профессор-ўқитувчилар сони жами – 368 та (асосий штатдагилар), шу

жумладан аёллар – 102 та (30,0 %), шулардан: фан докторлари, профессорлар – 33 та (8 %); фан номзодлари, доцентлар - 126 та (32,7 %); катта ўқитувчилар – 68та (19,4 %); асистент- ўқитувчилар – 143 та (40,7 %). Ўқув йилида 651 та илмий мақолалар (шулардан 43 чет давлатларда), 11 та монография, 5 та дарслик ва 34 та ўқув қўлланма нашр этилди. З та докторлик диссертациялар ҳимоя қилинди.

Давлат грантлари –627085 минг сўмни, инновацион лойихалари 81350 минг сўмни, хўжалик шартномалари 596,1 млн. сўмни ташкил этид. Илмий - тадқиқот ишларида 92% профессор- ўқитувчилар қатнашди. Докторантурада 32 нафар докторант ўқиди. Институт олимлари томонидан кўплаб илмий тадқоқот ишлари натижаси асосида яратилган тавсиялар амалиётга, ишлаб чиқаришга ва ўқув жараёнига жорий этилди. Кафедраларнинг ўқув-лаборатория базалари яхшиланиб, компьютер билан таъминланди.

Буларнинг барчаси 1991-2016 йилларда институтда буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйјунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва қўникмалари даражасига кўтариш мақсадига катта аҳамият берилганидан далолат беради.

Жонажон Ватанимиз ҳар йили ўз мустақиллигининг чорак асрдан ортиқроқ даврини нишонлаётган ҳозирги кунлар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг ҳаёти ва фаолиятида янги босқични бошлангани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу босқич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори асосида Тошкент ирригация ва мелиорация институти негизида ТИҚҲММИнинг ташкил этилишидан бошланди.

Президент қарорига мувофиқ аграр соҳани салоҳиятли, рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш, ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия, ўқув-тажриба жараёнини дала майдонлари (полигонлар)да, хўжаликларда, корхоналарда ўтказиш, ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар билан тўла таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олишни ва бошқа талабларни сифатли бажарилишини таъминлаш институт профессор- ўқитувчилари ва ходимларининг асосий вазифаларига айланди. Бу борада институтнинг “Мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси дастури” ва 2030 йилгача истиқболли ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган ва у амалга оширилмоқда.

**Бугунги кунда институтда:**

Бакалавр таълим йўналишлари сони –35 та ва магистратура мутахассисликлари сони – 22 та. Институт қошидаги Академик лицейлар сони- 2 та;

Билим соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш салмоғи: таълим – 5,3 %; ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ – 9,2 %; муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари – 20,1 %; қишлоқ ва сув хўжалиги – 59,3 %; хизматлар – 6,1 %, фан – 2 %. Институт факультетлари сони 7 та кафедралари сони 36 та.

**Факультетларнинг номлари:**

Гидромелиорация

Гидротехника қурилиши

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш

Гидромелиоратив ишларни механизациялаш

Қишлоқ ва сув хўжалигини автоматлаштириш ва электрлаштириш

Ер ресурсларини бошқариш

Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш

Магистратура бўлими

Талабалар контингенти жами – 6541 та (шу жумладан қизлар - 1116), улардан:

бакалавриатура – 5958 та

бакалавриат сиртқи-327

бакалавриат иккинчи олий таълим: сиртқи-52

магистратура – 204 та

Республикамизнинг бошқа вилоятларидан келиб ўқиётганлар сони - **4483 (71,4 %)**. охирги ўқув йили битирувчилари сони – бакалаврлар **1179** та ва магистрлар **77** та.(шу жумладан давлат гранти бўйича бакалавриатда **379** нафар (31,8%), магистратурда **30** нафар (**38,9 %**).

Профессор-ўқитувчилар сони жами – 464 та (асосий штатдагилар), шу жумладан аёллар – 112 та (30 %), шулардан:

фан докторлари, профессорлар – 55 та (9,2 %);

фан номзодлари, доцентлар - 149 та (34,7 %);

катта ўқитувчилар – 73та (23,4 %);

ассистент- ўқитувчилар – 160 та (47,7 %).

Охирги 3 йилда малакасини оширган профессор-ўқитувчиларлар **291 (96,6 %)**; қайта тайёрловдан ўтганлар **15(2,6 %)**. ташкил этган

Улардан **27**нафари чет элда.

Жорий ҳисобот ўқув йилида 651 та илмий мақолалар (шулардан 43 чет давлатларда), 57 та монография, 20 та дарслик ва 57 та ўқув қўлланма, 342та услубий қўлланма нашр этилди.

4 та докторлик диссертациялар ҳимоя қилинди.

Давлат грантлари – 627085 минг сўмни, инновацион лойихалари 81350 минг сўмни, хўжалик шартномалари 596,1 млн. сўмни ташкил этди.

Илмий - тадқиқот ишларида 95% профессор-ўқитувчилар қатнашди.

Докторантурада 32 нафар докторант ўқиёдиди.

Институт таянч бўлган ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича талабаларда амалий кўникмани тўла шакллантириш мақсадида барча фанлар бўйича намунавий фан дастурлари тузилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб таълими илмий-услубий ва ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарорлари билан тасдиқقا тавсия қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 21 августдаги 303 -сонли буйруғи билан тасдиқланди. Уларга мос равишда ишчи фан дастурлари яратилди ва тасдиқланди.

Талабаларнинг ўзлаштиришини ошириш мақсадида уларга барча шароитлар яратилишига ҳаракат қилинди: консультациялар ташкил қилиниши, маъруза матнлари электрон версияси банкининг яратилиши, ётоқхоналарда компьютер синфлари ва кутубхоналар ташкил қилиниши, таътил даврларида ҳам ўқитувчиларнинг навбатчилигини ташкил қилиниши шулар жумласидандир.

Институтда янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялари: электрон дарслик, дарсларни тақдимот шаклида, тарқатма материаллар ёрдамида, видеофильмлар орқали, маъруза матнларининг электрон версиялари ёрдамида, интерактив очиқ мулоқот шаклларида жорий этилган. Жумладан, очиқ лекцияларнинг барчаси янги педагогик ва ахборот технологиялари бўйича ўтилди.

Институтда янги педагогик технологиилар бўйича ўқув жараёнини фаол ташкил қилган кафедралар Гидравлика, Гидрология ва гидрогеология, Гидромелиоратив тизимларидан фойдаланиш, Ирригация ва мелиорация, Экология ва сув ресурсларини бошқариш, Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси, Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари, Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш, Назарий ва қурилиш механикаси, Гидромелиоратив ишларни механизациялаш, Сув хўжалигида электр таъминоти ва электр жихозлардан фойдаланиш, Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш, Умум техник фанлар, Ердан фойдаланиш ва ер кадастри, Геодезия ва ер кадастри, Олий математика, “Иқтисод”, “Менежмент” кафедралари бўлиб, бу кафедраларда электрон дарслик, дарсларни тақдимот шаклида, тарқатма материаллар ёрдамида, видеофильмлар орқали, маъруза матнларининг электрон версиялари ёрдамида очиқ мулоқот шаклида

олиб борилди.

Гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш факультетида Гидротехник иншоотлар макетлари, уларни компьютерлашган моделларидан фойдаланиб, муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг талабаларни ақлий фаолиятини жадаллаштириш каби интерактив янги педагогик усуллардан фойдаланиб маъruzалар ўқилди ва амалий дарслар олиб борилди. Институт ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 августдаги 788-сонли бўйруғи ва 3 сентябрдаги 87-03-3297-сонли хати ҳамда институт ректорининг 2019 йил 12 сентябрдаги 864 А/Ф бўйруғининг ижросини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тармоқ марказида 11 та – малака ошириш йўналишларининг 42 та модуллари бўйича ўқув-услубий мажмуалар тайёрланган бўлиб, ўқув режа ва дастурларга мос келади. Маъзуза матнлари ва тарқатма материаллар мавжуд. Малака ошириш жараёнига замонавий педагогик технологиялар жорий этилган. Марказда янги киритилган 12 та мутахассисликлар модулининг барча ўқув-услубий мажмуя (ЎУМ)лари намунага мувофиқ тайёрланди ва БМТнинг Тараққиёт дастури лойиҳаси ҳисобидан нашр қилишга келишиб олинди. Уларнинг мазмуни, назарий ва амалий машғулотлар материаллари, мустақил таълим мавзулари ва кейслар ушбу модулларнинг номланишига, уларнинг мақсад ва вазифаларига мос келади, тингловчиларнинг мазкур модуллар бўйича билим, кўникма, малакаларини (компетенцияларини) оширишга хизмат қиласи. Фойдаланилган адабиётлар, жумладан хорижий адабиётлар ўқув-услубий мажмуалар мазмунида ўз ифодасини топган.

Барча малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишлари “Сув хўжалиги ва мелиорация”, “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш”, “Кишлок хўжалигини механизациялаш”, “Ер тузиш ва ер кадастри”, “Кишлок хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш”, “Иrrигация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш” ва “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш” “Қишлоқ ва сув хўжалигига техник сервис”, “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш”, “Сув хўжалигига инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш” ва “Иrrигация тизимларида гидротехника объектлари” йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ

-5789-сонли Фармони ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 сентябрдаги 87-03-3297-сонли хати асосида ўқув режа ва дастурларининг умумий соати 144 соатга ўзгаририлиб, хорижий эксперталар томонидан тақриз олиниб қайта тайёрланди ва Баш илмий методик марказга тасдиқлаш учун берилди.

ОТМ йўналишлари малака ошириш курслари учун (ҳар бир фан модули учун 100 тадан тест саволлари) жами 4000 мингтадан кўпроқ тест саволларини қамраб олган тестлар базаси яратилди. Тест саволлари ўқув режа ва дастурлар мазмунига мос келади. Ҳар бир модулдан тайёрланган тест саволларига тегишли мутахассислар томонидан эксперт хulosалари олинди.

2018 йил сентябрь-октябрь ойларида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” йўналишига умумий 30 нафар профессор-ўқитувчи (tinglovchi)дан 20 нафари (1-илова) малака ошириш курсида қатнашди. Тармоқ марказида 2019 йил 2 январдан 28 февралгача “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш”, март-апрел ойларида “Сув хўжалиги ва мелиорация” ва “Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” йўналишлари бўйича ташкил этилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида қатнашди.

2019 йил 4 сентябрдан 31 отябргача “Кишлоқ хўжалигини механизациялаш” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига 18 нафар профессор-ўқитувчилар қатнашди.

Халқаро ҳамкорлик ва илмий-тадқиқот ишлари.

Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандуми асосида Европа Ҳамжамиятининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш” лойиҳаси доирасида Германиянинг Кобленц университети профессори Дорте Зиглер 2019 йил 11 февралдан 11 майгача институт ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта таёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази тингловчиларга 8 соатлик маъруза ўтди.

Марказий Осиё экологик маркази (CAREC) ҳамда Инновациялар ва илмий тадқиқотлар кластери билан ҳамкорликада IWMI ва CAREC ташкилотларининг USAID PEER ва Европа Иттифоқи-GIZ лойиҳалари дастури доирасида Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти (IWMI-CA) халқаро тадқиқотчиси Lal Matuvatte 2019 йил 8 апрелдан 8 июнгача институт ҳузуридаги педагог кадрларни қайта таёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ходимлари ва тингловчиларига SWAT моделини дарёдаги сувларни таҳлил қилишда қўллаш бўйича 4 соатлик амалий ва маъруза дарсларини ўтди.

2019 йилнинг 10 июнидан 22 июнигача ТИҶХММИ

ташаббуси билан тармоқ марказида Қозоқ-Немис Университети ва ТИҚХММИ магистр талабалри учун Марказий Осиё минтақавий экологик маркази (CAREC) ташаббуси билан “Сув ресурсларини бошқариш: назария, амалиёт ва тадқиқотлар интеграцияси” мавзусидаги “Ёзги мактаб” курси ташкил қилинди.

2019 йил 5 августдан 30 августгача тармоқ марказида Европа Иттифоқининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш” дастури доирасида СХВ ва БМТТДнинг “Техник салоҳиятни мустаҳкамлаш” (Компонент-2) қўшма лойиҳаси томонидан сув хўжалиги проект институтлари мутахассислари учун ташкил этилган Геодезия ва AutoCAD ва Смета йўналишлари бўйича 64 нафар Сув хўжалиги ташкилотларининг ходимлари учун қисқа (36 соат) муддатли курслар ташкил қилинди.

Институт талабаларининг малакавий амалиётлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 ноябрь 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида Низом”га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июнь 07-03-15-23-сонли баённомаси ҳамда институт ректорининг 2014 йил 28 июндаги 283 - А/Ф сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосан ташкил этилади. Дастурга асосан жорий ўқув йилида институтда бажариладиган ишлар режаси тузилган. Режага асосан малакавий амалиётларни ўтиш жадвали тузилган ва тасдиқланган.

Институт бўйича 36 та кафедрадан 20 тасида малакавий амалиётлар ўtkaziladi. Яъни 18 та таълим йўналиши бўйича 28 та ўқув амалиёти, 18 та малакавий ишлаб чиқариш амалиётлари ва 18 та БМИ олди амалиёти шартнома асосида корхона, муассасалар ва ташкилотларда ўtkaziladi. Бунда амалиёт бошланишидан олдин талабалар амалиётини ўtkaziш дастури ва календарь жадвали амалиёт объектлари билан келишилди.

Амалиёт раҳбарлари тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилардан тайинланди. Фан, техника ва маданиятнинг энг янги ютуқлари, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, уни илмий ташкил этиш, бошқариш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича амалиёт объектлари маъмурияти билан биргаликда мутахассисларнинг маъruzalari ташкил этилди. Талабалар ва амалиёт объектлари дастурлар билан таъминланди. Объектлардаги талабалар амалиётининг ташкил этиш тартиби ва ўtkaziliши ҳамда амалиёт муддати ва мазмунига риоя қилиниши назорат қилинди. Барча бакалавриатура йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида малакавий амалиётлар икки хил мақсад - маълум йўналиш бўйича талабанинг ишлаб чиқариш тўғрисидаги кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда малака-битирув иши ва магистрлик диссертацияларига материаллар йиғиш учун ташкил

қилинди. Малакавий амалиётларни ташкил қилишда албатта, талаба бажарадиган малака битириув иши ҳамда магистрлик диссертацияларининг мавзуларини ҳисобга олган ҳолда амалиёт объекти танланди.

Ҳозирги кунда институтда фанларнинг бакалавриат йўналишлари бўйича янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси институт бўйича ўзбек тилида кирилл алифбосида 100 %, лотин алифбосида 100 % ҳамда рус тилида 100 % ни ташкил этади. Шу билан бирга ушбу кўрсаткичлар магистратура мутахассисликларида мос равишда 100 %, 100 % ва 100 % га тенг.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликларини дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлоди билан таъминлаш борасида институт профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув адабиётлари тайёрланиб келинмоқда. Институтда кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича экспертиза ўтказилиб, етишмаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда методик қўлланманга ва методик кўрсатмалар аниқланади. Шу асосда институт бўйича нашр учун тайёрланадиган ўқув-методик ишлар режаси ишлаб чиқилади. Ҳар бир кварталда бир марта ўқув адабиётларнинг муаллифлари билан учрашув ўтказилиб, режанинг бажарилиш ҳолати бўйича мониторинг ўтказилиб борилади.

Шу жумладан ўқув йилида институтда 6 та дарслик, 52 та ўқув қўлланмана. Ушбу ўқув йилида ўқув-методик ишлар режаси 100 % га, шу жумладан лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш режаси 100 % га бажарилди. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан 2018 йил 3 та дарслик, 8 та ўқув қўлланмага гриф олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорлари ижроси юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Ҳисобот йили бўйича жами – 86 та фан доктори (DSc) ва фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация ишлари мавзуси институт илмий кенгашларида кўриб чиқилиб, тасдиқлаб берилди ва ўрнатилган тартиблар асосида ЎзР ОАКнинг веб-сайтларида рўйхатдан ўтказилди.

- Докторлик диссертацияларини сифатини ўрнатилган талабларга мувофиқлиги, уларни муддатида ҳимоясини таъминлаш юзасидан илмий маслаҳатчиларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида институтда Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ҳузурида фаолият кўрсатаётган Илмий Фаолият

Кенгashiда йилига 4 марта апробациядан ўтказиш йўлга қўйилган.

Институтда илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасида профессорлар: М.Х.Ҳамидов, А.Т.Салоҳиддинов, О.Рамазанов, Б.Серикбаевлар (Мелиорация ва суформа дехқончилик), М.Р.Бакиев, М.Мирсаидов (Гидротехник ва мелиорация қурилиши, Деформацияланувчан қаттиқ жисмлар механикаси), О.Арифжанов, Д.Базаров (Гидравлика ва муҳандислик гидрогеологияси), Ш.Юлдашев (Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш), Ў.П.Умурзоқов, А.Султанов (Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти), З.Исмаилова (Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси), Д.Қўчқорова (Амалий геометрия ва муҳандислик графикаси) томонидан илмий мактаблар яратилган ва бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга 2019 йилда институтда 11 та ихтисослик бўйича жами 37 нафар докторантлар таҳсил олмоқда.

Бугунги кунда институтда 141 нафардан ортиқ мустақил тадқиқотчилар докторлик диссертациялари устида илмий изланишлар олиб боришишмоқда. Уларнинг илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари учун ҳам барча шароитлар яратиб берилган. Институтда илмий салоҳиятни 2018-2020 йилларда 65 фоизга ошириш бўйича докторантура ва мустақил изланувчилик асосида институт докторантлари ва профессор-ўқитувчиларининг фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертация ишларини якунлаш ва химоя қилишларининг Йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 2019 йилда 32 нафар мустақил тадқиқотчиларининг фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертация ишларини химоя қилишлари режалаштирилган.

Институтнинг илмий-тадқиқот ишлари режасида 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг 3 та фундаментал, 17 та амалий, 2 та ёш олимлар амалий ҳамда 1 та инновацион грант лойиҳалари, 5 та бошқа ташкилотлар билан тузилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ҳамда хўжалик шартномалари, 60 та Давлат бюджети асосидаги ташабbusкор илмий ишлар бажарилди. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этилиши - Давлат илмий-техник дастурлар доирасида-3 та фундаментал (умумий қиймати 187,387 млн. сўм), 17 та амалий (умумий қиймати 1346,558 млн.сўм), 2 та ёш олимлар амалий (умумий қиймати 80,0 млн.сўм), 1 та инновация (умумий қиймати 100,0 млн. сўм) яъни жами 23 та лойиҳа асосида илмий-тадқиқот ишлари (жами 1713,945 млн.сўмни) ташкил этди.

2019 йилда институтда 5 нафар фан доктори (DSc) ва 25 нафар фалсафа фанлари доктори (PhD) жами 30 нафар тадқиқотчиларининг диссертация ишлари асосий ҳимояси ўтказилди.

Республика миқёсида ўтказилган «Йилнинг энг яхши педагоги-

2018» кўрик танловида институтдан иштирок этган қуйидаги профессор-ўқитувчилар: ГМ факультетидан А.Пулатов, Ф.Каттақулов, Р.Бойиров, ГТҚ факультетидан Д.Бозоров, ГИМ факультетидан Л.Бобожонов, ҚҲМ факультетидан И.Авазов, ҚСХЭТ факультетидан Р.Газиева, Р.Юнусов, ЕРБ факультетидан А.Инамов, СХТЭБ факультетидан Б.Хасановлар ғолибликни қўлга киритдилар. Республика фан олимпиада 2-тур (республика босқичи) натижалари бўйича 9 нафар талабалар нуфузли 1,2,3-урин сохиби бўлишди.

Республикада биринчилардан бўлиб, Scopus халқаро маълумотлар базасида институтнинг профили “Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” номи билан яратилди. QS рейтинг тизими платформасида Республикада биринчи бўлиб институтнинг профили “Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers (TIIAME)” номи билан яратилди (шу кунга қадар давлатлар бўйича изланганида, ҳатто Ўзбекистон номи мавжуд бўлмаган).

1 нафар докторант ва 1 нафар магистрант Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, 2 нафар талаба Беруний Давлат стипендияси, 1 нафар талаба Навоий Давлат стипендияларига сазовор бўлишди.

Институтда интеллектуал мулк обьектлари ихтиро, маълумотлар базаси ва компьютер дастурлари учун олинган муаллифлик гувоҳномаси ва патентлар воситасида ҳимояланган бўлиб, жорий йилда 87 та патентга талабнома берилди. Шундан, 3 та ихтиро учун, 8 та патент фойдали модел учун, 32 та гувоҳнома ЭҲМ дастури ва 25 та муаллифик ҳуқуқи учун олинди.

Илмий тадқиқот натижалари асосида институт олимлари томонидан жами 53 та монография, 30 та дарслик, 73 та ўқув қўлланма, 34 та тавсиянома чоп этилиб, натижаларни тадбиқи бўйича 39 та далолатнома олинган. Чоп этилган илмий мақолалар сони 1619 та бўлиб, шундан, чет эл илмий журналларида 312 та, халқаро анжуман тўпламларида 451 та, Республика илмий журналларида 403 та, республика ва ОТМ илмий конференциялар тўпламларида 453 тани ташкил этади.

Институт ЎзР ФАНИНГ илмий тадқиқот институтлари ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари билан Ҳамкорлик дастурларини тузиб фаолият юритилмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан 50 дан ортиқ, илмий текшириш ва лойиха институтлари билан 10 дан ортиқ ташкилотлар қамраб олинган.

Институтнинг барча кафедралари Республикаиздаги етакчи олий ўқув юртлари, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари хамда ЎзР ФАНИНГ илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари билан Ҳамкорлик Дастурлари тузиб фаолият юритмоқдалар. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Махкамаси Хузуридаги Суғориладиган Ерларнинг Мелиоратив Ҳолатини Яхшилаш Жамғрмасини Бошқариш Департаменти, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси уйжой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Ядро физикаси институти, Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ, Микробиология институти, «Физика-қуёш» ИИЧБ, Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, «Сувмаш» ОАЖ, «Ўздавмелиосуввойиха», «Ўздаверлойиха» лойиҳа институти, «UzGIP» МЧЖ, Вилоятлар “НСЭ” бошқармалари, “Ўзбекгидроэнерго” ДАК, ЎзР «Геоинформадастр» Давлат унитар корхонаси, ЎзГидромет, “Ўзагросервис” АЖ, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, Ўрта маҳсус, касбхунар таълими ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Тошкент Давлат педагогика университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, ТошДТУ, “Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонаси, ОАЖ «Сувсаноатмаш», “Agregat zavodi” АЖ, Самарканд Давлат архитектура институти, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Тошкент молия институти ва бошқалар билан илмий ҳамкорлик ишлари олиб борилди.

Талабалар бажарган битириув малакавий ишлари ва магистрлик диссертация ишлари мавзулари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ўтказилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, фан-техника соҳалардаги илфор ва долзарб масалаларга бағишлиланган бўлиб, Республика сув хўжалиги ва мелиорацияси, гидротехника иншоотлари, насос станциялари ва ГЭСлар, сув омборларининг ишларини такомиллаштириш ва уларнинг муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги иқтисодини ривожлантириш, гидромелиоратив ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш каби долзарб муаммолар бўйича илмий асосланган ечимларни топишга, тавсиялар ишлаб чиқишига, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган.

Уларнинг асосида илмий тадқиқот ишлари натижаларининг сўнги ютуқларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш, фан-таълим ишлаб чиқариш ўртасида инновацион гурӯҳлар ташкил этилиб, унинг таркибини 464 нафар профессор-ўқитувчилар, иқтидорли талабалар, ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассис ва раҳбарлари ташкил этади, шулардан профессор-ўқитуввлар сони 169 нафар, корхона вакиллари сони 184 нафар, иқтидорли талабалар 181 нафар, 15 нафари докторантлардир. Ишлаб чиқариш ташкилотлари ва

корхоналар билан тузилган инновацион ҳамкорлик шартномалари доирасида белгиланган 126 та илмий муаммо мавзулари бўйича 332 та курс иши, 329 та биритув малакавий иши, 61 та магистрлик диссертацияси, 38 та илмий докторлик иши амалга ошириш ва хўжалик шартномаларини бажариш йўлга қўйилган.

Шунингдек, институтда Ўрта Осиё Минтақавий экологик маркази (CAREC) билан биргаликда “Инновациялар ва илмий тадқиқотлар кластери” ташкил этилган. ЮНЕСКО Бош қароргоҳи томонидан институтда Сув дипломатияси, сув манбаларини бошқаруви ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ЮНЕСКО кафедрасини очишга рухсат берилди. Россия Федерацияси, Россия Халқлар дўстлиги университети ва ТИҚҲММИ ўртасида 90 млн сўм қийматидаги MRU-SQV86/2017 рақамли лойиха амалга оширилмоқда.

Институтда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш мақсадида “Маънавият – маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими тарбия ишларини ташкил қилиш бўйича Низом”, “Институтнинг мураббийлар кенгаши тўғрисидаги Низом”, “Институтда маънавий-маърифий ишларни умумий, гуруҳ ҳамда якка шаклда ташкил этиш бўйича Низом”, “Институтда “Маънавият хонаси” фаолиятини ташкил этиш ва жиҳозлаш бўйича Низом”, “Институтда талабалар иштирокида жамоавий-маданий тадбирларни ташкил этиш тўғрисидаги Низом” тасдиқланган ҳамда улар асосида иш олиб борилади.

Ҳар бир ўқув йили учун институтнинг маънавий – маърифий соҳада бажариладиган ишлар дастурини шакллантириш анъанага айланган бўлиб, бунда институтнинг Маънавият ва маърифат бўлими, декан ва декан муовинлари, Гуманитар фанлар кафедраси ва барча кафедра мудирлари, кафедра аъзолари шу жумладан, ўқитувчилар ва устоз – мураббийларнинг аниқ ва табақалаштирилган вазифаларни бажариши кўзда тутилган.

Ҳар бир ўқув йилида институтдаги маънавий-маърифий тарбиявий ишлар Илмий Кенгашда ва ректорат йиғилишиларида, ундан ташқари Илмий Кенгашда факультетларни ва магистратура бўлимини амалга оширилаётган ўқув, тарбиявий, илмий ва илмий-услубий ишлар бўйича ҳисоботлари қўрилиб, уларда маънавий – маърифий ишларни олиб борилишига алоҳида урғу бериб келинмоқда

Шу жумладан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган, талаба-қизлар орасида, иқтидорли талабалар билан “Устоз–шогирд” тизими доирасида академик гуруҳларда олиб борилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинади ва тегишли қарорлар қабул қилинади. Бунда айниқса ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги тадбирлар алоҳида аҳамиятга ага.

Ҳар ҳафтада ўтказилиб келинаётган “Ахборот соатлари” мазмун -моҳиятини сифатли ўтказиш мақсадида барча академик гуруҳ мураббийлари учун хар ҳафта мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар, уларнинг ҳалқимизнинг турмуш тарзига ижобий таъсири ҳамда турли маънавий-сиёсий маълумотлар тайёрланиб бориши тизимли равишда йўлга қўйилган.

Институтда фаолият кўрсатаётган ёши улуғ инсонлар ва атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган уруш қатнашчиларига байрам дастурхонлари ёзилади. Институт маъмурияти ҳамда институт Касаба уюшмаси ҳамкорлигига миллий байрамларимиз жумладан, “8 март – Ҳалқаро хотин – қизлар куни”, «Наврӯз», “9 май – Хотира ва қадрлаш куни”, “Мустақиллик куни” ҳамда Янги йил тадбирлари кўтаринки руҳда нишонланади. Талабалар турар жойларида талабалар иштирокида юқори кайфиятда, турли спорт ўйинлари билан Наврӯз байрамини нишонлаб, дошқозонларда сумалак таоми ва байрам ошлари тайёрланади.

Бугунги кунда институтда маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш, талабалар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг сифат даражасини ошириш ҳамда ёшларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш борасида тадбиқ этилаётган янги лойиҳалар ва услубларда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш ҳолатини янада яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада ўқув йилининг дастлабки оидан бошланган ва ҳар ҳафтанинг душанба кунлари институтнинг барча ходимлари ва талабалари учун мўлжалланган “Маънавият дарси” ташкил этилгани айни муддао бўлди, дейиш мумкин. Республикализнинг атоқли олимлари, таниқли ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг билимдонлари томонидан олиб борилаётган ушбу машғулотларда баркамол авлодни вояга етказиш ва мамлакатимиз тараққиёти учун зарур, чуқур билимли ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ долзарб мавзуларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## ХУЛОСА

Мазкур рисолада Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони асосида сўнгги йилларда жамиятимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш борасида эришилган ютуқ ва натижалар қисқа таҳлил этилган. Жумладан, давлатнинг ёшларга доир сиёсати, баркамол авлодни тарбиялаш тизимини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Айни пайтда, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини роёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини янги аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бойича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш бу борадаги фаолиятнинг стратегик мақсади ҳисобланади.

Бу борадаги долзарб масалалар қаторида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларининг ижросини янги босқичга кўтариш, марказ ва жойлардаги бунга жавобгар идораларнинг масъулиятини оширишга ҳаракат қилинди. Таъкидлаш зарурки, мазкур йўналишда йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 – августда қабул қилинган “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу соҳа учун муҳим аҳамият касб этиган мазкур ҳужжатда, жумладан олий таълим тизимидағи тарбия жараёнига ҳам алоқадор бўлган баъзи муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилган. Мазкур Қарор билан “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури” тасдиқлангани эса, 2017-2021-йилларда юртимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тарзда, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қиласди.

Бугунги кунда комил инсонни тарбиялаш ва баркамол авлодни

вояга етказиш бойича фаолият стратегияси ўзининг янги босқичига қадам қойди. Эндиликда ушбу стратегияни ҳаётга жорий этишда давлатнинг инновацион ва инвестицион фаолиятини йўл га қойиш механизмларини ишлаб чиқиш, уни мақсадли, мунтазам ва давомий ташкиллаштириш долзарб вазифага айланади.

Шунинг учун ҳам янгиланаётган жамиятимизда жисмонан соғлом ва бақувват, маънан баркамол авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ватанимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам анашу улуғвор мақсад ва бу борадаги тараққиёт стратегиясини амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Рисоламиз матни ушбу кенг қамровли фаолиятнинг барча йўналишларини қараб олиш имконини бермаса-да, унинг бир ёки бир неча жабҳасига доир маълумотларни қисқа таҳлили ҳам умумий хulosага келиш учун асос бўлади. Хусусан бу борада Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти фаолияти ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Бу ўз навбатида, ҳозирги даврда жисмонан етук ва маънан баркамол ёш авлодни вояга етказишида маънавий омилларнинг таъсирчанлигини янада ошириш, уларнинг самарасини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ мавзуни чуқур ўрганиш, шу асосда амалиёт учун зарур бўлган хulosса ва таклифларни ишлаб чиқиш вазифаларининг ниҳоятда долзарблашиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, бугунги мураккаб даврда тарбия жараёнини оптималлаштириш ва унинг самарасини янада ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этмасдан, ушбу йўналишдаги тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланмасдан туриб бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириб бўлмайди, албатта. Бу эса, ўз навбатида маънавий баркамол авлодни вояга етказиш жараёнига катта таъсир кўрсатадиган талим-тарбия ва маънавий-маърифий жабҳа билан бирга, ушбу соҳанинг стратегик ва концептуал асосларини мустаҳкамлаш масалалари бугун ҳам, келажакда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолаверишидан далолат беради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2015. – 56 б.

2. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги 2016 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Қонун. -Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

3. “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 5 июлдаги Фармони. - Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

4. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. -Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

5. “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплек чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 18 июлдаги Қарори - Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

6. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. - Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди тўғрисида Низом. -“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2014 йил 3 февраль, 5-сон, 60-модда

8. “Буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. -Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2018 йил 15 - май, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>

9. “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси

Президентининг расмий веб-сайти,  
<http://www.president.uz/uz/lists/view/>

2018 йил 15 - август,

10. Мирзиёев Ш.М. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маъруза / Халқ сўзи, 2016 йил 18 октябрь

11. Мирзиёев Ш.М. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқ // Халқ сўзи. -2016. - 19 октябрь.

12. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти,  
<http://www.president.uz/uz/lists/view/>

13. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент, Ўзбекистон, 2016. - 56 6.

14. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнда бўлиб IV қурултойидаги нутқи. – Халқ сўзи, 2017 йил 14 июль

15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

17. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.

18. Мирзиёев Ш.М. . Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

## **МУНДАРИЖА**

### **Кириш**

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси –  
фаолиятимиз дастуруламали

Ўзбекистоннинг ёшларга доир сиёсатининг мазмун-моҳияти ва  
хусусиятлари

Таълим соҳасидаги стратегиянинг мазмуни ва намоён бўлиш  
жиҳатлари

Таълим тизимининг такомиллашуви ва ёш авлод камолоти

Етук мутахассислар тайёрлаш – давр талаби

### **Хулоса**

Фойдаланилган адабиётлар

**Қ.Назаров, Ҳ.Ҳамидов, А. Рустамов, Р.**

**ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ  
ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ**

**Илмий-оммабоп рисола**

**Муҳаррир М.Турсунова  
Мусаҳҳих М.Турдиева  
Дизайнер Д.Эрматова**

**Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти,  
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 – уй.  
Тел./факс 239-88-61**

**Нашриёт лицензияси: AI № 216, 03.08.2012.**

Босишига рухсат этилди 12.09.2019. “Uz-Tames” гарнитураси.  
Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз бичими 60x84. Шартли  
босма табоғи 2,8. Нашриёт босма табоғи 2,7.  
Адади 200 нусха. Буюртма № 12

“Файласуфлар” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 – уй.